

ТАРИХ ВА ШАХС

ЭРГАШ ОЧИЛОВ

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР**

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2012

УДК: 821.512.133(-092) Бобур
ББК 83.3(5У) - *АҒОБ-МК*
0-95

Лойиҳа муаллифи ва масъул
муҳаррир: тарих фанлари доктори
Қ. Ражабов

FD 40660
19,
31

201 <i>31/14</i> A <i>983</i>	Alisher Navoiy nomida O'zbekiston MK
--	---

ISBN 978-9943-01-877-8

© «O'ZBEKISTON» ILMIY, 2012




Бобомиз Захириддин Мухаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халкининг доврўғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни кадрланшга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади.

Ислоҳ ҚАРИМОВ



ҲАЙРАТАНГИЗ ИСТЕЪДОД

Захириддин Муҳаммад Бобур деганда ўзбек адабиётининг Алишер Навоийдан кейинги энг буюк намо-яндаси, Ҳиндистонда 332 йил ҳукм сурган буюк бобурийлар салтанатига асос солган қудратли давлат арбоби, кўнлаб музаффар юришларни амалга оширган жасур ва мохир саркарда, жаҳон мемуар адабиётининг нодир дурдоналаридан бўлмиш «Бобурнома»ни яратган билимдон ва ҳақгўй муаррих, ислом арконлари ҳақида «Мубаййин» асарини битган забардаст факих, мумтоз сўз санъатининг асосий вази бўлмиш аруз тизимини тадқиқ этиб, «Аруз рисоласи»ни ёзган нуқтадон адабиётшунос, ўтмиш ва замондош олиму адиблар ижодини талабчанлик билан баҳолаган нозиктаъб мунаққид, араб ёзувини ислоҳ қилиб, «Бобурий



хат»ни кашф этган ижодкор мураббий, машхур тариқат пири Хожа Аҳрор Валийнинг «Волидия» рисоласини форсийдан шеърӣ усулда таржима қилган маҳоратли мутаржим, туркий мусика оҳанглари хақида рисола битган мусикашунос, қатор қуйлар яратган бастакор, ҳарб санъати хақидаги рисола муаллифи, гўзал хуснихат соҳибн ҳисобланмиш серкирра фаолият ва истеъдод эгаси бўлган барқамол бир зот кўз ўнгимизда гавдаланади.

ҚУТЛУФ ШАЖАРА

Бобур тўрт авлод орқали буюк соҳибкирон Амир Темурга бориб боғланади: унинг отаси Умаршайх Мирзо Султон Абусаид Мирзонинг, Султон Абусаид Мирзо Султон Муҳаммад Мирзонинг, Султон Муҳаммад Мирзо Мироншоҳ Мирзонинг, Мироншоҳ эса Амир Темурнинг учинчи ўғли эди.

Онаси Қутлуф Нигор хоним эса мўғул хонларидан Юнусхоннинг қизи бўлиб, ун тўрт шажара орқали Чингиз-

хонга бориб такалади: Қутлуғ Нигор хоним Тошкент хони Юнусхон қизи, Юнусхон эса Вайсхон ўғли, у Шералихон ўғли, у Муҳаммад Хўжахон ўғли, у Хизр Хўжахон ўғли, у Туғдук Темурхон ўғли, у Эсон Буғахон ўғли, у Дава Чикон ўғли, у Барокхон ўғли, у Сўкач ўғли, у Камфор ўғли, у Чигатой ўғли, у Чингизхон ўғли.

Умаршайх Мирзониинг етти хотини ва бир неча канизаклари бўлиб, улардан 8 нафар фарзанд кўрган. Хонзода бегим билан Бобур хақиқий она-ука — унинг кагта хотини Қутлуғ Нигорхонимдан тувилган эди. Бундан ташқари, Бобурнинг яна Меҳрбону бегим деган онаси, Шахрибону бегим, Ёдгор Султон бегим, Рукня Султон бегим сингари сингиллари, Жаҳонгир Мирзо, Носир Мирзо каби укалари бўлган.


ЎН ИККИ ЁШЛИ ПОДШОХ

Бобур 1483 йили 14 февралда Андижонда, Фарғона вилояти ҳокими Умаршайх Мирзо хонадонида тувилди. У «Бобурнома»да «зоду буд

Андижон вилояти»¹ деган бир иборани ишлатади. Буни бир неча маънода талкин қилиш мумкин: «туғилиб ўсган ерим», «бору йўғим», «хаётим» ва хоказо. Ўша давр уламоларидан Мавлоно Мунир Марғиновий «Шаши муҳаррам» — «Муҳаррам ойининг олтинчи кунда туғилди», деб унинг таъриhini туширган бўлса, Туркистон мулкининг ўша даврдаги шайх ул-машойихи Хожа Убайдуллох Аҳрор Валий унга Заҳириддин деб исм қўяди (Бу исмнинг маъноси «динни қўллаб-қувватловчи, диннинг ҳомийси, паноҳи» бўлиб, уни талаффуз қилишга қийналгани сабабли гўдакни Бобур (шер, йўлбарс) деб атай бошлайдилар ва у шу ном билан машҳур бўлиб кетади. Албатта, унинг бу лақабини олишига довюраклиги ва жасурлиги ҳам сабаб бўлган).

Бобур хонадони Андижон арки ичида яшар, Умаршайх Мирзо ёз ойларини Сирдарё бўйидаги Аҳси

¹ *Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, «Шарқ», 2002, 151-бет. Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилинганда саҳифаси каве ичида кўрсатилади.*



қалъасида, йилнинг қолган фасллариини эса Андижонда ўтказар эди. Бобурнинг болалиги Андижонда ўтган. Барча темурий шахзодалар каби у ҳам саройда махсус мураббийлар, ўз даврининг олиму уламолари тарбиясини олади, фикх илмини, форс ва араб тилларини, харб санъатини ўрганади, кўплаб адабий-тарихий китобларни мутолаа қилади, илм-фанга ва адабиётга алоҳида меҳр кўяди.

Лекин отасининг бевакт ўлими Бобурни беғубор ва жўшқин болалиги билан эрта хайрланиб, ҳукмдорлик тожини кийишини тақозо қилади. У Фарғона тахтига ўтирганида 12 ёшда эди. «Фарғона вилоятида ун икки ёшта подшоҳ бўлдум» (34), — деб бошлайди унинг ўзи хаёти солномасидан иборат «Бобурнома»ни. Таҳсилнинг чала қолган қисмини у хаёт отлиғ буюк муаллимдан олади.

СУРОНЛИ ЙИЛЛАР

Ҳукмдорлик қисмати Бобур учун бошданок оғир кечди — у тахтга ўтириб улгурмай уч тарафдан ҳужумга

отланган душманлар билан ҳаёт-мамот жангига киришади: амакиси — Мовароуннахр ҳукмдори Султон Аҳмад Андижонга қўшин тортиб келади, тоғаси — Тошкент ҳукмдори Султон Маҳмудхон Косонни эгаллаб, Аҳси қалъасини камал қилади. Қашқар хони Абубакр дуғлот Фарғона улусига бостириб кириб, Ўзгандни ўраб олади. Лекин у аъёнлар ёрдами ва халқнинг қўллаб-қувватлаши билан Фарғона мустақиллигини сақлаб қолишга эришади.

Ҳукмронлигининг дастлабки йилларида ўз мавқеини мустаҳкамлаш, бек ва амалдорлар билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш, мунтазам қўшинни шакллантириш, давлат ишларида тартиб ўрнатиш чора-тадбирларини кўрган Бобурнинг сиёсий мақсади бобокалони Амир Темур салтанатининг пойтахти, стратегик ва географик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган Самаркандни эгаллаш ва тобора таназул ботқоғига боғиб бораётган темурийлар ҳукмронлигини қайта тиклаб, Мовароуннахрда қуч-

ли марказлашган давлатни вужудга келтириш эди. Чунки Султон Ахмад Мирзо вафотидан кейин (1494) тахтга ўтирган Султон Муҳаммад Мирзо бор-йўғи 5—6 ой ҳукмронлик қилиб, қисқа муддатли касалликдан кейин вафот этган, унинг ўрнини эгаллаган ўғли Бойсунғур Мирзога қарши тархонлар исён кўтарган эдилар. Вазиятдан фойдаланган Бобур Самарқанд устига қўшин тортади. Лекин 1495—1496 йилдаги ҳар икки юриши ҳам муваффақиятсиз чиқади. Фақат етти ойлик камалдан сўнг у 1497 йилнинг ноябрь ойида Самарқандни қўлга киритишга муваффақ бўлади.

АРМОНГА АЙЛАНГАН САМАРҚАНД

Самарқанд — Бобур қисматининг энг оғир нуқтаси: у бу қадимий шаҳарни уч марта эгаллаган бўлса-да, бир марта ҳам қўлида сақлаб қолишга муваффақ бўлолмади.

Биринчи марта Самарқанд тахтига ўтирганида у 15 ёшда эди. Халкнинг

мададидан маҳрум бўлган, игтифокчилардан ёрдам ололмаган Бойсунғур Мирзо Самарқандни ташлаб чиқиб кетгач, аркони давлат кенгашиб, навқирон Бобурга мамлакат тахтини топширадилар ва уни Темур тахтининг хақиқий соҳиби деб эълон қиладилар.

Тож-тахт талашларидан чарчаган, узоқ давом этган қамаллардан ниҳоятда офир аҳволга тушган Самарқанд аҳолиси вайроналар гирдоби, очарчилик исканжасида қийин кунларни бошидан кечирмоқда, хатто уруғликка ғалла топилмас эди. Ўзини очик юз билан кутиб олган элнинг бу аҳволига ачинган раҳмдил подшоҳ қўшинига аҳолини талашга йўл қўймайди. Бундан катта ўлжалар умидида келган бек ва сипоҳийларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, бирин-кетин Бобурни ташлаб кета бошлайдилар. Қўшин таъминоғи ҳам мушкул муаммога айланади. Бунинг устига, Бобур офир дардга чалинади. Уч кунгача унинг оғзига пахта билан сув томизиб турадилар. Унинг тузалишига кўзи етмаган энг яқин аъёнлари ҳам қочиш йўлини тутадилар. Анди-

жонга кочиб кетган беклар Узун Хасан ва Аҳмад Танбал бошчилигида исён кўтарадилар ва тахтга Жаҳонгир Мирзони ўтказмоқчи бўладилар. Юз берган сиёсий ва иктисодий вазиятни теран мулоҳаза қилган Бобур Самарқанд Андижон кучи билан олинган эди, Андижон қўлда бўлса, худо хоҳласа, яна Самарқандни қўлга киритиш мумкин, деган фикрда ота юртини сақлаб қолиш ҳаракатига тушади ва 100 кунлик ҳукмронликдан сўнг Самарқанд тахтини ташлаб, Андижон сари йўлга тушади.

Лекин Хўжандга етганида Андижон исёнчилар қўлига ўтгани хабари келади. Бобурнинг Тошкент ҳокими бўлган тоғаси Султон Махмуд кўмагида (воқеан, у ҳам Аҳси ва Андижон мулкани қўлга киритишдан умидвор эди) Андижонни қайта қўлга киритиш йўлидаги уришишлари муваффақиятсиз чиққач, энг яқин ва содиқ кишилари ҳам унга бўлган ишончларини йўқотиб, уни ташлаб кетадилар. Икки юздан кўпроқ — уч юздан камроқ содиқ киши-си билан қолган Бобур бир муддат

Хўжадда тургач, Тошкентга — Махмудхон ҳузурига келиб, Андижонни қўлга киритиш режаларини туза бошлайди. Яна Хўжадга қайтиб, 1498 йилнинг июнь ойида аввал Марғилонни, кейин Андижонни ҳам қўлга киритади. Жаҳонгир Мирзо билан сулҳ тузиб, Хўжад сувининг Аҳси тарафи вилоятларини унга бериб, Андижон тарафи вилоятларини ўзига олади.

Бу пайтда теурий шахзодаларнинг ўзаро урушларидан фойдаланган Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннахрни истило қилишга киришиб, бирин-кетин муҳим қалъалар ва катта шаҳарларни босиб ола бошлайди. 1499 йили Бухоро ва Қорақўлни эгаллайди. 1500 йили теурийлар ҳукмдорлигини тиклаш тарафдори бўлган Самарқанд аҳолиси ва беку амалдорларнинг бир қисми Бобурга мактуб йўллаб, уни Самарқандга таклиф этадилар, лекин у шаҳар остонасига етиб келганида онасининг калтафаҳмлиги билан ёш подшоҳ Султонали Мирзо уни Шайбонийхонга жангсиз топширгани хабарини эшитади. У ҳарбий хийла ишлатиб, тунда

қўққисдан шаҳарга бостириб киради ва Шайбонийхоннинг шаҳар химояси учун қолдирган 600 нафар аскарини кириб ташлайди. Шайбонийхоннинг ўзи эса Бухорога чекинади. Аммо бу гал ҳам шаҳарда озик-овқат захиралари тугаб, очарчилик бошланган эди. Бундан хабар топган Шайбонийхон катта куч тўплаб, 1501 йилнинг апрелида Самарқанд сари юриш қилади ва Сарипул қишлоғи яқинида бўлган жангда Бобур қўшинлари енгиледи. Бобур Самарқандга чекинади. Қамал яна тўрт ой давом этади. Шаҳар аҳолисининг очликдан тинкаси қуриydi. Бирор-бир кишидан ёрдам ололмаган, нажот йўлини топмаган Бобур охири Шайбонийхон билан сулҳ тузиб, Самарқандни тарк этади — Тошкентга йўл олади. Онаси Хонзодани эса шаҳарда қолдириб кетади — унинг Шайбонийхон никоҳига кириши сулҳнинг шартларидан бири эди. Бу ҳақда Бобур «Ул фатаратда Хонзодабегим Мухаммад Шайбонийхонға тушуб эди...» (38), — дея истамайгина қайд этиб ўтади.

Самарқандни иккинчи марта олганда Бобур 19 ёшда эди. Ўзининг айтишича, бу пайтда унинг 240 кишиси бўлган, холос.

Бобурнинг шундан кейинги Шайбонийхонга қарши кураши ҳам, Андижонни қўлга киритиш учун қилган барча ҳаракатлари ҳам беҳуда кетади: 1503 йили Тошкент хони Маҳмудхон, Бобур ва қалмоқларнинг бирлашган қўшини Сирдарё бўйида Шайбонийхон томонидан тор-мор қилинади. Бобур Самарқанд тахти учун курашиб юрган пайтда Андижонни Аҳмад Танбал эгаллаб олади. Унинг 1501—1504 йиллар мобайнида Аҳмад Танбал ва Жаҳонгир Мирзоларга қарши олиб борган барча уруш-юришлари муваффақиятсиз тугайди ва:

*Неким тақдир бўлса, ул булур таҳқиқ,
билгайсиз,
Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча
беҳуда, —*

деган тўхтамга келган Бобур 1504 йилнинг июнь ойида Мовароуннахрни

тарк этиб, бахтини бегона юртлардан кидиради.

Бобур Самарқандни учинчи марта Шайбонийхонни Марв ёнида тор-мор этган Эрон шоҳи Исмоил Сафавий ёрдами билан 1511 йилнинг октябрида қўлга киритади. Шоҳ Исмоил оғир шартлар эвазига бу ёрдамни берган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат эди: 1) Шоҳ Исмоил номини хутбага қўшиб ўқитиш; 2) 12 имом ва шоҳ номидан танга зарб этиш ва 3) шайбонийларни йўқотишга ҳаракат қилиш. Бобурнинг куч-қудрати хали ўзини химоя қилиш ва бошқаларнинг мададига мухтож бўлмайдиган даражага етмагани учун у Эрон томон билан муроаса қилишга мажбур эди. Унинг ишга мазҳабидаги бу шоҳ изми билан иш тутиши сунний мазҳабли аҳоли орасида норозилик туғдиради. Бундан фойдаланган Убайдуллоҳон унга қарши юриш бошлайди ва 1512 йилнинг 28 апрелида Қўли Малик жангида енгилган Бобур Ҳисор томон кетади. У шу йилнинг кузида Исмоил Сафавий юборган Нажми Соний бошчилигида-

ги қўшни билан яна Мовароуннахрга юриш қилади, Қаршини эгаллаб, Бухорога юраётганида Ғиждувон жангида, 1512 йилнинг 24 ноябрида узил-кесил мағлубиятга учрайди ва Мовароуннахрни эгаллаш орзуси саробга айланиб, Кобулга қайтади.


Хасанхожа Нисорий «Музаққир ахбоб» («Дўстлар ёдномаси») тазкирасида ёзишича, Бобур «Чифатой султонларининг энг сараси ва зўр шижоатлиси эди. Шамшир зарби билан Мовароуннахр мамлакатларига эга бўлиб, уни сақлаб қолишга кўп сабъ-харакатлар ва жонини аямасдан жаҳду жадаллар кўрсатди. Мардона тўқнашувлар қилди, аммо, тақдир ўқига тадбир қалқони дош бера олмагач, бирор натижа чиқара олмади»¹.

Албатта, у бир умр — Кобулда яшаганида ҳам, Хиндистондек улкан салтанатни қўлга киритганида ҳам — Мовароуннахрдан умидини узмай, хамина Самарқандга талшиниб яша-

¹ Хасанхожа Нисорий «Музаққир ахбоб»

(Н. Бекжон таъжимаси). Тошкент, «Ушкент» н.и.м. 1993, 51 - 52 бетлар.

2 - Э. Очилов



ди. Бадахшон калъаси бу борада Мовароуннахрда кечаётган воқеаларни кузатиб турадиган ўзига хос стратегик ҳудуд вазифасини ўтар эди. Кейинчалик ҳам ўғилларига бу борада тегишли кўрсатмалар бериши бунинг ёркин исботидир. Чунончи, 1528 йили Ҳумоюнга йўллаган мактубида, жумладан ёзади: «Агар Тенгри инояти била Балх ва Хисор вилояти муяссар ва мусаххар бўлса, Хисорда сенинг кишинг бўлсун, Балхта Комроннинг кишиси бўлсун. Агар Тенгри инояти била Самарканд ҳам мусаххар бўлса, Самаркандта сен ўлтурғил, Хисор вилоятини, иншооллох, холиса қилғумдур» (243).

Шу йил воқеаларида она юртидан келтирилган бир қовун баҳонасида кўнглидаги Ватан соғинчи ва армонларини шундай ифодалайди: «Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечук унутқай. Алалхусус, мундоқ тойиб ва торик бўлғонда қовун ва узумдек машруъ ҳазни киши не тавр хотирдин чиқарғай. Бу фурсатта бир қовун келтуруб эдилар, кесиб егач, ғариб таъсир қилди. Тамом йиғлаб эдим» (249).

«Бобурнома»нинг Хумоюн Хисорни олган 1529 йили воқеаларига бағишланган қисмида эса қуйидагиларни ўқиймиз: «Ушун аснода Бадахшондин Мухаммад Хумоюн қосидлар йнборибтурким, қирқ-эллик минг черик ййиштируб, Султон Вайсени йўлдош қилиб, Самарқанд хаёли бошқа тушубтур ва сулх сўзи хам орада бор. Анинг арзадошти жавобда битилдиким, Тенгри таолодин умидвормизким, ушун яқинда Хиндустон вилояти қўлга киргай. Хавохох ва яхши фарох хавсалаларимиздин Хиндустон вилоятига қўюб, ўзумуз маврусий вилоятимизга боргаймиз. Ва керакким, бори халқимиз бу юрунда, Хумоюнга йўлдош бўлуб, ихлос кўрсатгайлар» (265).

БИРИ ПОДШОХ, БИРИ ВАЛИЙ ЭДИЛАР

Туркистон мулкининг XV асрдаги шайх ул-машойихи, нақшбандия тариқатининг буюк намояндаси, дин ва миллат ҳомийси Хожа Убайдуллох Ахрор Валий Захириддин Мухаммад

Бобур тақдирда муҳим роль ўйнаган. У туғилганда азиз-авлиёларга ихлоси том бўлган отаси – Фарғона хокими Умаршайх Мирзо фарзандига ном қўйишни ўз даврининг муршиди комили Хожа Ахрордан илтимос қилади. Буюк авлиё гўдакка Заҳриддин деб ном қўйиш баробарида бир илоҳий нафас ҳам қилган бўлса керакки, у кейинчалик Ҳиндистондаги бобурийлар салтанатига асос солган улуғ шох, кучлар тенг бўлмаган неча-неча оғир жанглارни ўз фойдасига хал қилган моҳир ва жасур саркарда, ўзбек адабиётида Навоийдан кейинги шохсухани банд этган забардаст шоир, кескаси, замонасининг барча илмларда нодир, серкирра ижод соҳиб ва жами инсоний фазилатларни ўзлаштирган баркамол кишиси бўлиб етишди.

Бобур хонадони нақибандия ширларига ҳаминша ихлос-эътиқод кўрсатиб келган. Хожа Ахрор Бобурга ном қўйган бўлса, унинг халфаси Мавлоно Мухаммад Қози бу хонадоннинг оилавий пири эди. Бу нажиб инсоннинг Бобурга таъсири қатта бўлган, унга

Ўзининг қимматли маслаҳатларини бериб турган. Бобур биринчи марта Самарқандни олганида Аҳмад Танбал ва Узун Ҳасанлар Андижонда фитна кўтариб, унинг устози ва тарафдори бўлган «Хожани Мавлоно Қозини арк дарвозасида осиб, шаҳид қилдилар» (64). Кейинчалик Бобур Мавлоно Қозининг жияни ва халфаси, «нақибандия тариқатининг баланд-парвоз шахбози» Махдуми Аъзамни ўзига шир тутиб, унга муридлик изҳор қилгани маълум. Бобур олис Хиндистонда туриб ҳам у билан ёзишмалар олиб борган. Ҳасанхожа Нисорийнинг ёзишича: «Подшоҳнинг нақибандия олий хонадонига продат нисбати бор эди. Юксак шон-шавкатли бобоси ва салтанат нишонли отасининг Ҳазрат Хожа Аҳрорга продати бўлган Бобур подшоҳ ҳам бу улуғлар хонадонига нисбатан иззат-икромни соатма-соат оширар ва бирор дақиқа бу ишни қанда қилиб, бафлатда қолмас эди. Барча дарвешларга дутф эшигини очиб, ниёзмандлик юмушини бажо келтирарди. Ҳазрат Махдумий мулло

Хожағий Косонийга бир булак олтин куймасини ниез тарикасида юбориб, ёнида ўзининг ушбу китъасини ҳам шохид қилганди:

*Дар ҳавои нафси гумроҳ умр зоеъ кардаем,
Неши аҳдulloҳ аз атвори худ шармандаем.
Як назар афкан ба сўи мо, ки аз роҳи вафо
Хожағиро мондаему хожағиро бандаем!*

Мазмуни: «Гумроҳ нафс куйида умримизни зое қилдик. Бунинг учун Оллоҳнинг хос бандалари олдида уятлимиз. Биз гомонга бир назар сол: вафо йўлида хожаликни ташлаб, хожаликка бандамиз».

Маълумки, Маҳдуми Аъзам тариқати хожағий — хожалик деб ҳам аталган. Бобур шундан фойдаланиб, сўз ўйини қилган: Оллоҳ олдида ҳамманинг қуллигини англаб, бировлар устидан хўжайинлик — хожалик қилишни ташлаганмиз, лекин хожалар тариқатига қулликни бўйинимизга олганмиз.

Аён бўладики, Бобурнинг ўзи ҳам нақшбандия тариқатида бўлган.

¹ *Хасанхожа Нисорий*. Музаққирн ахбоб, 53 бет.

Махдуми Аъзам Бобурнинг мактубига жавоб тариқасида ҳамда Хожа Аҳрор «Рисолаи волидия»сининг таржимасига бағишлаб, «Рисолаи Бобурия»ни ёзган.

Бобур ҳусайния-ишқия тариқати пир сифатида танилган Шайх Ҳусайн Хоразмийнинг хаж иягида Макка ва Мадинага сафар қилиш хабарини эшитгач, унга шохона тухфалар билан мактуб йўллаб, Хиндистон орқали ўтишни сўрайди. Лекин унинг бу орзуси амалга ошмаган кўринади.

Бобур Хожа Аҳрорни бир умр ўзига пир санаб, муридлик муҳаббати ва садоқатини сақлаб келган. Хусусан, мушкул вазиятларга тушиб қолган дамларда у буюк пирнинг муборак рухидан мадад сўраган ва, ўз навбатида, бу валий инсон ҳам ўз дуожўйини ҳаминша қўллаган. «Бобурнома»нинг гувоҳлик беришича, Хожа Аҳрор руҳи Бобурни уч оғир вазиятда қўллайди:

Бобур Самарқандни иккинчи марта олиш учун қўшни тортиб келганида шаҳарнинг Султонали Мирзо томонидан Шайбонийхонга тонширилганлиги-

ни эшигади. Лекин Самарқандни қўлга киритгандан умидини узолмай шаҳар атрофида айланиб юради. «Ўшал фурсатга ажаб туш кўрдум, — деб эслайди Бобур. — Туш кўрарманким, Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ келмишлар, мен истиқболлариға чиқмишмен. Хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг олиға, волибо, бетакалдуфрок дасторхон солмишлар. Бу жиҳаттин Ҳазрат хотириға нима келмиш. Мулло Бобо менинг сари боқиб, ишорат қиладур. Мен ҳам имо била дедимким, мендин эмастур. Дасторхон солғучи таксир қилибтур. Хожа фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушти. Қўптилар. Узата чиқтим. Ушбу уйнинг долонида ўнг қўлумдин ё сўл қўлумдин тутуб, андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин қўпти. Туркий дедиларким: «Шайх маслахат берди». Ўшул неча кунда-ўк Самарқандни олдим» (79). Бу — буюк ширнинг биринчи маъади эди. Ўшанда Бобур «яхши-ямон икки юз кирк киши»си билан теурийлар пойтахтини қўлга киритади.

Кейинги гал Хожа Аҳрор рухи Бобурни муқаррар ўлимдан сақлаб

колади. Бу қўидагича содир бўлади: Ахмад Таибал исёни туфайли Андижон иккинчи бор бой берилгач, Бобур 8 нафар навқари билан қуршовдан қочиб чиқади. Уни таъқиб қилишади. Қаттиқ тўқнашув бўлиб, Мирзақули Қўқалдошдан бўлак барча ҳамроҳларидан ажралади. Йўлда Мирзақулининг ҳам оти юролмай, Бобур ёлғиз қолади. Банда Али билан Бобо Сайромий деган кишилари унинг изидан тушадилар. «Укаларингиз қўлга тушди. Сиз ҳам ортга қайтинг», — дейишади. Лекин Бобур қўймайди. Улардан тоғалари бўлмиш хонлар қонига олиб боришларини сўраб, қатта лавозимлар ва ҳадялар ваъда қилади. Келингандай бўладилар. Барибир Бобур уларга ишонмайди. Қарнон деган жойда Бобурдан хабар тошиб, унинг Юсуф отлиғ доруғаси ҳам келади. Учовлари: «Сизни тахтга ўтқазадилар», — деган баҳона билан уни ушлаб, Андижонга олиб кетмокчи бўладилар. Бу ҳақда Бобур шундай ёзади:

«Оламда жон ваҳидин ёмонрок нима бўлмас эмиш. Мен дедимким:

«Ростлиғини айт! Агар иш ўзгачарак бўлғудектур, худ вузуъ килай». Юсуф онтлар ичти, вале ашинг онтиға ким инонадур. Ўзумда бетокатлиге фахм килдим. Қўнтум, боғ гушасиға бордим. Ўзум билла андиша килдим. Дедимким, киши агар юз, минг яшаса, охир ўлмак керак...

Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ўшал боғда сув оқиб келадур эди, вузуъ килдим, икки ракъат намоз ўқудум, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуға борибтур. Кўрадурменким, Хожа Яъқуб — Хожа Яхёнинг ўғли, Ҳазрати Хожа Убайдуллохнинг набиралари рўбарўйимға аблақ от мишиб, кўн жамоати аблақсувор билан келдилар. Дедиларким: «Ғам смангиз, Хожа Ахрор мени сизга йибордилар. Дедиларким, биз аларға истинонат тегуруб, подшоҳлик маснадиға ўлтурғузуббиз. Хар ерда мушкул иш тушса, бизни назариға келтуруб ёд этсун, биз анда хозир бўлурбиз. Холо ушбу фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг» (99 — 100).

Шу орада отлар дунури эшитилди ва Бобурнинг тарафдорларидан Қутлуғ Мухаммад Барлос ва Бобои Парғарий келиб, уни халос қиладилар. Қизини шундаки, Қутлуғ Мухаммад Барлос ҳам туш кўргани ва тушида Хожа Убайдуллох Бобурнинг каерда эканлигини айтиб, уни олиб келишни буюрганлигини айтади.

Учинчи марта Хиндистонда офир касал бўлганида Хожа Убайдуллохдан мадад сўраб, унинг «Волидия» асарини таржима қилиш орқали сихат тонади: «Хазратнинг руҳиға илтижо қилиб, кўнглумга кечурдумким, агар бу манзум ул Хазратнинг макбули бўлур, худ нечукким, соҳиби «Қасидан Бурда»нинг қасидаси макбул тушиб, ўзи афлаж маразидин халос бўлди, мен доғи бу оризадин қутулуб, назмининг қабулиға далиле бўлғусидур. Ушбу ният била рамали мусаддаси махбуни арзуз ва зарбгоҳи махбуни махфуз вазнидаким, мавлоно Абдурахмон Жомийнинг «Субҳа»си ҳам бу вазнададур, рисола назмиға шуруъ қилдим» (242). Бобурнинг эътироф этишича, хар гал

бундай дардга мубтало бўлганида касаллик ўттиз-қирк кунга чўзилган. Бу гал Оллоҳ иноятю Ҳазратнинг химмати туфайли у бир ҳафтага қолмай оёққа туради.

«Волидия» рисоласининг таржимаси сабабларига тўхталар экан, Бобур Хожа Ахрорни «Худо сиридан огоҳ», «хожалар хожаси», «Шиблий ва Жунайид каби буюк шайхлар ҳам унга фақат ходимликкагина ярайди», «ҳолату маргабаси зоҳирдур, васфу таърифиди гил қосирдур», — деб мадҳ этади.

Халқимизда: «Ихлос — ҳалос», — деган ажойиб ҳикмат бор. Бу беғиз айғилмаган. Чунки ота-боболаримиз қадимдан бошларига бирор мушкулот тушганида азиз-авлиёларга сифиниб, улар руҳидан мадад сўраб келганлар. Жумладан, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг «Баҳоуддин Балогардон» деб аталиши ҳам худди шу — балоларни дафъ қила олиши туфайли. Зеро, бундай қомил инсонлар Ҳақ билан халқ ўртасида восита бўлганлар ва одамлар улар орқали ўз илтижо-

лари Оллоҳ таолога етиб боради, деб ишонганлар. Ёшлигидан азиз-авлиёларга эътиқод, эҳтиром руҳида тарбия топган Бобур ҳам ана шундай ихлос соҳибни эди.

КОБУЛ АЗИМАТИ

1504 йил ёзида Бобур 200 дан кўпроқ — 300 дан камроқ навқари билан Хисор орқали Афғонистонга ўтади ва у ердаги ички низолардан фойдаланиб, Ғазни ва Кобулни эгаллайди. Бу ҳақда унинг ўзи «Бобурнома»да: «Тенгри таоло фазл ва карами била Кобул ва Ғазни мулк ва вилоятини бежанг ва жиқол муяссар ва мусаххар қилди» (107), — деб ёзади (Аслида Кобулда Бобурнинг қариндоши — Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдураззоқ ҳукмронлик қилиб, яқиндагина у Зуннун Арғуннинг ўғли Муқим томонидан тахтдан афдарилган, лекин мамлакатнинг янги ҳукмдори ҳали давлат ишларини тўла қўлга олиб улгурмаган эди).

Кобул — Бобур ҳаётида муҳим ўрин тутади. У бу юртга ўғай кўз билан

карамай, пароканда мулкларни бирлаштириб, мустақил давлат тузишга киришади, мамлакатда тартиб ўрнатади, мунтазам қўшинни шакллантиради, жуда қўн ободончилик ва бунёдкорлик ишларини амалга оширади, хунармандчилик ва деҳқончиликни ривожлантиради, «Боғи Шахроро», «Боғи Жаҳоноро», «Уртабоғ», «Боғи вафо» ва «Боғи Бобур» каби оромгоҳларни ташкил қилади. Боло Ҳисор қалъасини қайта таъмирлаб, ёнига янги имораглар соддириб, ўз қароргоҳига айлантиради ва оиласи билан шу ерда яшайди. Унинг Ҳумоюн, Гулбаданбегим, Комрон ва Ҳиндол каби фарзандлари шу ерда тувилади. 1506 йили вафот этган онаси Қутлуғ Нигор хоним Мирзо Улуғбек бунёд эттирган «Боғи Наврўзий»га дафи этилади. Васиятига кўра кейинчалик — 1539 йили Бобурнинг хоки ҳам Кобулга — «Боғи Бобур»га кўчирилади.

Бобур айнан Кобулда моҳир саркарда ва қудратли ҳукмдор сифатида шухрат қозонади ва бошқаларни ўзи билан ҳисоблашишга мажбур этади. У

1508 йили ўгли Хумоюн туғилганида подшоҳ унвонини ҳам шу ерда олади. Унгача теурий ҳукмдорлардан бирортаси бу унвонни олмаган, ҳатто тахтга чиққанда ҳам улар мирзо унвони билан юришарди. Бу пайтга келиб Хусайн Бойқаро дунёдан ўтиб, ўғиллари инкирозга юз тутган, теурийлар салтанатининг энг кўзга кўринган вакили Бобурнинг ўзи эди. Эҳтимол, Бобур шуларни ҳисобга олиб, подшоҳ унвонини маъқул кўргандир. «Ушбу тарихқача Теуурбекнинг авлодини бовужуди салтанат мирзо дерлар эди, ушбу навбат буюрдумким, мени подшоҳ дегайлар» (160), – дейди бу ҳақда Бобурнинг ўзи. Инглиз адибаси Румер Годен «Гулбадан» асариди: «Бобур валиаҳд ўғлининг келажигига оқ пояндоз солиш ниятида ўзига «подшоҳ» унвонини олади»¹, – деб ёзади.

Бир пайтлар шиддатли жангу жадаллари билан тилга тушган Хусайн Бойқаронинг кейинги йилларда кўли жангдан чиқиб, кўнгли тинчликни

¹ Годен Р. Гулбадан (Ғ. Сотимов таржимаси). Тошкент, «Шарқ», 2007, 26-бет.

хохлаб колган эди. У шайбонийларга қарши мудофаачилик сиёсатини юритиб келди. Жумладан, у Бадиъуззамон, Бобур, Хисравшоҳ ва Зушун Арғунларга бир хил мазмундаги мактуб жўнатиб, мен Мурғобни бекитаман, Бадиъуззамон Балх, Шибирғон ва Андхуд қалъаларига ишончли кишиларни қўйиб, ўзи Гурзивон ва Дарайи Зангда ул кўхистонни беркитсин. Бобур Коҳмард ва Ажарни, Хусравшоҳ Хисор ва Қундузга содиқ одамларини қўйиб, ўзи иниси Вали билан Бадахшон ва Хатлон тоғларини бекитсин, қарабсизки, Шайбонийхон ҳеч нарса қилолмай, ортига қайтиб кетади, деб маслаҳат беради. Бобур бу ҳақда шундай ёзади: «Султон Ҳусайн Мирзодек Темурбек ўрунига ўлтурғон улўф подшоҳ фанимининг устига юрумакни демай, ер беркитмакни деса, эл ва улўсқа не умидворлик колғай?» (103).


Нихоят, Ҳусайн Бойқаро беклари ва ўфиллари, темурий шахзодаларни ва улар қатори Бобурни ҳам чорлаб, Шайбонийхонга қарши юриш қилмоқчи бўлади. Бобур бундан хурсанд бўлиб,

бошқалар оёк билан борса, биз бош билан борамиз деб, Хиротга йўл олади. Бирок йўлда Султоннинг ўлими хабарини эшитади. У Хиротда Навоийнинг уйида яшайди.

Хусайн Бойқаро ўлиmidан кейин Хирот тахтига бир вақтнинг ўзида икки ўфил — Султон Бадиъуззамон Мирзо ва Музаффар Мирзо ўтиради. Бобур бу ҳақда «ҳаргиз подшоҳликта ширкат эшитилган эмас», дейди. Бу мирзолар айшу ишрат мажлислари тузиш ва кишининг кўнглини олишда, сўзда тенгсиз бўлсалар-да, ҳарб санъати ва маҳорати, мардлик ва қатъиятдан узок бўлганлари учун Бобур улар билан ҳеч бир иш чиқаролмай Кобулга қайтади ва ўзи йўғида фитна кўтарган кариндошлари Муҳаммад Хусайн ва Хон Мирзолар исёнини бостириб, Кобулда яна тинчлик ўрнатади.

ҲИНДИСТОН ОРЗУСИ

Бобур иккинчи марта Самарқанддан ажралиб, бунинг устига, Андижондан ҳам маҳрум бўлиб, Уратепанинг



Дахкат кентдаги Масчо деган тоғли жойда юрганида бир хонадонда 111 ёшли кампир билан сухбатлашиб қолади. Унинг қариндошларидан бири Хиндистон юришида Амир Темур билан бирга бўлган экан. Кампир ўша давр воқеаларидан анча-мунчасини унга ҳикоя қилиб беради. Бу афсонавий мамлакатнинг мўъжизакор табиати ҳақидаги мазкур ҳикоялар ёш шахзода кўнглида Хиндистонга бўлган қизиқишни уйғотган бўлса, ажаб эмас.

Бобурнинг ўзи эътироф этишича, Кобул забт этилган 1504–1505 йилдан бошлаб «хамиша Хиндустон хаваси қилилур эди. Гоҳи бекларнинг сустрайлиғидин, гоҳи оға-инининг ноҳампойлиғидан (бу ерда: қўллаб-қувватламаслиғидан – Э.О.) Хиндустон юруши муяссар бўлмас эди» (195).

Бобур Хиндистонга илк юришини 1507 йили амалга оширади, лекин у муваффақиятсиз тугайди.

1519 йили у Хиндистонни забт этишга жиддий киришади ва бир неча юришлар уқштиради. Бобурнинг ўзи «етти-саккиз йилда беш навбат

Ҳиндустонга черик тортгук» (195), деб ёзади. Ниҳоят, 1526 йил апрель ойида Панипатдаги хал қилувчи жангда 12 минг кишилик аскар билан Дехли султони Иброҳим Лўдийнинг мингга яқин жанговар филлар билан қуролланган 100 минг кишилик қўшинини енгиб, Дехлни эгаллайди. Орадан кўн ўтмай, йирик хинд саркардаси Рано Санго устидан ҳам ғалаба қозонади ва пойтахтни Аграга кўчириб, улкан ободончилик ва бунёдкорлик ишларини амалга оширишга киришади. Шу тариқа, нафақат Шарқ, балки жаҳон тарихида ҳам энг узок – 332 йил ҳукмронлик қилган буюк бобурийлар сулоласига асос солади.

Бобур Ҳиндистонда ўзаро ички урушларга барҳам бериб, кучли тартиб-интизом ўрнатди, тарқоқ вилоятларни бирлаштириб, мустаҳкам марказлашган давлат тузди, илму фан, адабиёт ва санъат, ҳунармандчилик ва кишлок хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор қаратди.

Хинд халқи Бобурни «қаландар султон» деб аташарди.

АДАБИЙ МЕРОСИ

Бобур илк рубоийсини 19 ёшида бадиха тарзида айтади. Самарқандни иккинчи марта олганида у машхур шоир Камолиддин Бинойи ва Хожа Абулбарака билан мушоира асносида Бинойининг рубоийсига жавобан бир рубоий айтиб юборади ва шу найтгача бир байт-икки байт шеър тўкиб юрсамда, хали бирорта ғазалини охирига етказган эмас эдим, лекин бир туркий рубоий айтиб юбордим, дейди. Мана уша рубоий:

*Ишлар бори кўнглиригдагидек бўлгусидур,
Иньому налифа бори буирулгусидур.
Ул ғаллау муҳмалки деб эрдим, бердим,
Муҳмалеа бую ғалладин уй тўлгусидур.*

Иккинчи марта эса Самарқанддан яна айрилиб, Фарғонадан ҳам маҳрум бўлиб, Тошкентга паноҳ излаб борганида тоғаси Маҳмудхонга қўйидаги машхур рубоийсини ўкиб бергани, лекин ўзи ҳам шеър ёзадиган хуштабъ тоғасидан тайинли жавоб эшитмаганини кайд этади:

*Ёд эммас эмиш кишини меҳнатта киши,
Шод эммас эмиш кўнгулни гурбатта киши.
Кўнгулм бу гарибликта шод ўлмади ҳеч.
Гурбатта севишмас эмиш, албатта, киши.*

Шундан кейин Сомсийрак навоҳи (атроф, чегара — Э.О.)сидаги Турок чорбоғида олти байтдан иборат илк ғазалини тугатганини айтади. У кўйидаги матлаъ билан бошланади:

*Жошимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнгулмдин ўзга маҳрами асрор топмадим.*

Заҳририддин Муҳаммад Бобур ўзбек адабиётининг Алишер Навоийдан кейинги буюк намояндаси ҳисобланади. Чунки машҳур муаррих Мирзо Хайдар таъбири билан айтганда: «Туркий шеърятда Мир Алишердан кейин ҳеч ким унингчалик кўп ёзмаган»¹. Чиндан ҳам, Бобур ижоди Навоийдан кейинги алоҳида босқични ташкил этади. У адабиётни ҳаётга, адабий тилни халқ тилига яқинлаштирди. Атоий, Лутфий шеърларидаги халқчиллик Бобур асар-

¹ *Муҳаммад Хайдар Мирзо. Тарихи Рашидий* (В. Раҳмонов ва Я. Эгамова таржимаси). Тошкент, «Шарк», 2010, 250-бет.

ларида янгича шаклда қайта туғилди. Хусусан, «Бобурнома» билан у туркий адабиётда реалистик насрни бошлаб берди, содда, халқона услубга асос солди. У ўз асарларининг мавзуини асосан ҳаётдан олди. Шоир меросининг ҳайратланарли даражада ҳаётийлиги, кўнгилга яқинлиги, туйғуларининг табиий ва самимийлиги шундан.

Бобур шеърларидан икки девон тузгани маълум. Уларнинг биринчисига Мовароуннаҳр ва Афғонистонда ёзилган (XVI асрда Туркияда Алишер Навоий асарлари учун тузилган «Абушқа» номли луғатда шоирнинг шу биринчи девонидан бир неча мисоллар келтирилган), иккинчисига Ҳиндистонда ёзилган шеърлари киритилган. У ўзи ҳаётлигидаёқ девонларини кўчиртириб, ўфиллари, дўсту кадрдонлари, кариндошлари, жумладан Самарқандга, Шайбонийхоннинг невараси Фўлод Султонга ҳам юборган. Лекин бу девонлар бизгача мукаммал ҳолда етиб келмаган. Ҳозиргача шоирнинг 119 ғазал, 1 маснуъ шеъри, 209 рубойси, 10 дан ортиқ туюк ва

қитъалари, 50 дан ортиқ муаммо ва 30 дан зиёд фардлари аниқланган, девони таркибидан умумий хажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган эди.

Яқинда адабиётшунос олима Шафика Ёркин Бобурнинг Туркиядаги Истанбул университети кутубхонаси туркий қўлёзмалар бўлимида 3743 рақами остида сақланаётган девонидаги унинг ҳозиргача нашр этилган тўпламларига кирмаган ўзбек тилидаги 5 ғазали, 9 китъаси, 5 рубойси, 9 маснавий шеъри, 10 тўртлиги, 2 туюғи, 40 дан ортиқ фардлари, қатор маснуъ шеърлари, 1 маснуъ таржеъбанди, 2 номасини эълон қилди.

«Мубаййин» («Тушунтириш») — Бобурнинг ўғиллари Ҳумоюн ва Комронлар учун фикҳий қўлланма сифатида ёзган асари. У маснавий шаклида бўлиб, беш қисмдан иборат: «Эътиқодия» деб номланган биринчи қисмида иймон асослари, «Китоб ус-салот»да — намоз ўқиш қоидалари, «Китоб ус-савм»да — рўза тутиш йўл-йўриқлари, «Китоб уз-закот»да — закот беришга оид тавсия-

лар, «Китоб ул-хаж»да – хаж арконлари хақида шеърӣ усулда қиска, тушунарли маълумотлар берилади. «Бобурнома»нинг 1525 йил воқеалари баёнига бағишланган бобида «Бу фурсаттаким, «Мубаййин»ни назм қилдур эдим...», – дейишидан маълум бўладики, асар 1525–1526 йилларда ёзилган. Бу асар Бобурнинг Куръони қарим, Ҳадиси шариф, ислом дини асослари ва диний адабиётларни чуқур билишини кўрсатади. Воқеан, унинг ўзи ҳам эътиқоди мустаҳкам мусулмон бўлиб, хатто жангу жадаллар вақтида ҳам беш маҳал намозни қанда қилмаган.

«Аруз рисоласи» эса мумтоз шеърӣ риятимизнинг асосий ўлчови бўлмиш арузни ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Бу Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон»идан кейин туркий тилда аруз хақида ёзилган иккинчи йирик тадқиқот эди. Унда XIV–XVI асрларда яшаб ижод этган 60 дан ортиқ шоирнинг номи зикр этилади ва уларнинг асарларидан нарсалар келтирилади.

Бобур мохир таржимон ҳам бўлиб, 1527 йил октябрда Хиндистонда оғир хасталикка чалинганда накшбандия тариқатининг улуғ арбобларидан Хожа Ахрор Валийнинг рухидан мадад сўраб, унинг «Волидия» рисоласи («Ота хақида рисола») таржимасига киришади ва қисқа муддатда 243 байт-ли ушбу асарини тугатади. Қизиғи, таржима тугаши билан у оёққа туриб кетади.

Бундан ташқари, у араб алифбосини ислох қилиб, ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш, уни туркий тил ва талаффуз мезонларига мослаштириш мақсадида «Хатти Бобурий»ни ихтиро этган. Унинг мусиқа санъати ва харб ишларига доир рисоалари ҳам бўлиб, улар хозиргача топилмаган. Инглиз шарқшуноси ва «Бобурнома» таржимони Уильям Эрскиннинг ёзишича, унинг мусиқа хақидаги рисоласи бу соҳада ўзигача яратилган асарлардан анча устун бўлган. Бобур яхши бастакор ҳам бўлиб, у яратган гўзал ва дилкаш куй-қўшиқлар унинг вафотидан кейин ҳам халқ оғзидан тушмаган.

«Бобурнома»нинг 1519—1520 йиллар воқеаларида унинг ўзи ҳам мусика билан шуғулланганлиги хақида гапириб, жумладан «Чоргоҳ» савтини боғлаганлиги хақида маълумот беради (181).

БОБУР ВА НАВОИЙ

Албатта, авлодларни ўзбекнинг икки забардаст шоири — Навоий ва Бобур ўртасидаги муносабатлар кизиқтиради. Афсуски, бир-бирига интилган бу буюк инсонларнинг бир-бирига йўллаган мактублари бизгача етиб келмаган. Шухрати нафақат Хуросон ва Мовароуннахр, балки бутун Шарққа ёйилган Навоий асарларидан Бобурнинг бахраманд бўлиши ва мактуб орқали бўлса-да, шеърият мулкининг султони билан алоқа боғлашга интилиши табиий эди. «Бобурнома»да унинг буюк салафига икки марта мактуб ёзгани тўғрисида маълумотлар бор: «Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди.

Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, оркасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафрика ва ғавво бўлди»(81).

Бобур-ку Навоий мактубини талотўнларда йўқотиб қўйгандир, лекин Навоий-чи? Ҳар бир сўзини китоб саҳифаларига нақшлабгина қолмай, ҳар бир иши ҳақида ҳам авлодларга ёзиб қолдиришга уринган, ўзи ёзган ва ўзига ёзилган мактубларни тўплаб, «Муншаот» деган тўплам тартиб берган Навоий Бобурнинг мактубини эътиборсиз қолдириши мумкин эмас эди. Бинобарин, ё мактуб жуда кеч етиб бориб, Навоий уни бирор асариде кайд этишга улгурмаган, ё умуман етиб бормаган.

Бобур сиймосида ўша даврда парчаланиб кета бошлаган темурийлар салтанатини сақлаб қолишга қодир ягона кучни кўришган. Самарқандни олганидан кейин Навоийнинг унга нома йўллашида ана шу умидворлик ҳам бўлиши табиий. Зеро, бу улуғ донишманд Ҳусайн Бойқаро, унинг ўғиллари ва бошқа темурий

шахзодалар мисолида бу салтанатнинг икирози муқаррарлигини сезмаслиги мумкин эмас эди.

Маълумки, Алишер Навоий 1498—1499 йилларда 1491 йилги ёзиб тугатилган шоирлар хақидаги «Мажолис ун-нафоис» («Нафис мажлислар») тазкирасини бу орада етишиб чиккан янги номлар билан тўлдиришни ният қилади. Жумладан, Самарқандда ҳукмронлик қилган оғани Бойсунғур Мирзо ва Султонали Мирзолар ижодидан намуналар киритади. Бобур Самарқандни айнан Бойсунғур Мирзони енгиб эгаллаган эди. Султонали Мирзо шаҳарни Муҳаммад Шайбонийхонга жангсиз тоширгач, яна у Бобур қўлига ўтгани маълум. Шоирликда ном чиқара олмаган икки шахзода шеърларини тазкирага киритгани ҳолда Бобурни тилга олмагани Навоийда Бобур хақида старли маълумот бўлмаганини кўрсатади.

Навоий тазкирасига ҳар бир шоирдан бир-икки байт мисол киритган. Бинобарин, Бобур ўз хатига уни мадҳ этувчи рубоийгина эмас, балки ўзининг энг гузал байтларини ҳам илова қилган.

Абдурашид Абдуғафуров ва Ваҳоб Раҳмонов каби олимлар бу байт аслида рубоий бўлиб, у қуйидаги бўлиши мумкин, деб тахмин қиладилар:

*Эйким, бори шеър аҳлига сен хон янглиг,
Шеъринг бори шеърларга султон янглиг!
Мазмуни ашинг хатти саводи ичра
Зулмат аросинда оби ҳайвон янглиг!*

Мазмуни: «Эй, сен барча шоирларнинг хонига ўхшайсан, шеъринг эса барча шеърларнинг султони кабидир. Қора сиёҳ билан битилган ҳарфлар англатган унинг мазмуни худди зулмат қаъридаги оби ҳаёт сингаридир».

Чунки бундай баланд пардадаги мактовлар фақат Алишер Навоий каби буюк сўз санъаткорига нисбатан қўлланиши мумкин. Мактовга хасис бўлган Бобур унча-мунча калам аҳлини эътироф этавермаган, аксинча, улар ижодига талабчанлик билан ёндашиб, ютуқларидан кўра кўпроқ камчиликларини кўрсатгани ҳам бунинг исботидир.

Ваҳоб Раҳмонов бунга яна икки рубоийни илова қиладикки, улардан бири мана бу:

*Ашборингким, шеър оти то бўлгай,
Табъ аҳли анга волау шайдо бўлгай.
Хар лафли дурӯ баҳри маоний анда,
Ким кўрди дуреки, анда даре бўлгай?!*

Мазмуни: «Дунёда то шеър яшар экан, табъ аҳли сенинг шеърларингга ошиқу шайдо бўладилар. Одатда, дур денгизда бўлади. Лекин дур бағрига денгиз ҳам сифиши мумкин эканки, сенинг бағрида маънолар жавоҳирини сиедирган дур каби шеърларинг бунинг исботидир. Холбуки, ҳеч ким дур ичида денгиз жо бўлганини кўрган эмас эди».

Навоий Бобур учун ҳар жиҳатдан — ҳаётда ҳам, ижодда ҳам, инсонийлик фазилатлари ва давлатни бошқариш йўриқлари тарафидан ҳам идеал даражадаги инсон эди. У ўзининг буюк салафини «Бобурнома»да бир неча ўринда тилга олади. Асар бошидаёқ Фарғона таърифини келтирар экан, «Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти, бовужудким Хирида нашъу намотошбтур, бу тил биладур» (34), дейди. Кейин Аҳмад Ҳожибек таърифидани тилга олади (45). Сўнг Навоий

ва Бойқаро ўртасидаги бир хикоятни келтиради:

Бир кун Алишербек билан Мирзонинг орасида бир суҳбат ўтдиким, у Мирзонинг тезфаҳмлигию Алишербекнинг кўнгли нозиклигига далилдир. Алишербек сирли сўзларни Мирзонинг қулоғига шивирлади-ю: «Бу сўзларни унутинг!» — деди. Мирзо дарҳол: «Қайси сўзларни?» — деди. Алишербек бундан таъсирланиб, кўп йиғлади (56).

Хиротда Алишер Навоий уйда яшаганида Ҳусайн Бойқаро амирлари қаторида унга ҳар томонлама кенг таъриф беради. Жумладан, унинг Мирзонинг нафакат беги, балки яқин дўсти ва суҳбатдоши эканлиги, миждози нозиклиги билан машҳурлигини айтиб, туркийда ҳеч ким у каби кўп ва хўб ёзмаган, деб истеъдодига юксак баҳо беради, асарларини номма-ном санаб келтиради, илму ҳунар аҳлига ҳомийликда ҳеч унинг олдига тушолмаслигини мактайти ва бошқа то ўлими билан боғлиқ барча асосий нуқталарга тўхталади (132).

Шунингдек, Биноий ва Навоий ўртасидаги хазил хангомаларга тўхталиб ўтади. Хиротда бўлганида Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний»сини мутолаа қилиб, унинг асосида терма девон ҳам тузганлиги хақида маълумот беради: «Одина куни, ойнинг йнгирма учида Алишербекнинг тўрт девонидин бұхур ва авзон тартиби била ғазаллар ва абётким, интихоб қилиладур эди, итмомиға етти» (181).

«Рисолаи аруз»да эса Навойдан икки юздан ортиқ мисол келтиради (жумладан, 160 дан зиёд матлаъ, 4 та тўла ғазал, 19 та рубоий ва ҳоказо). Айни пайтда, «Девони Фоний»га ҳам бир неча марта мурожаат қилган¹.

БОБУР ШЕЪРЛАРИНИНГ МАВЗУ КЎЛАМИ

Бобур ғазал, рубоий, туюк, қитъа, фард, маснавий жанрларида қалам тебратиб, айниқса, ғазал ва рубоийда юк-

¹ Бу ҳақда қаранг: *Абдугафуров А.* Навоий ва Бобур // Буюк бешлик сабоқлари. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, 150 - 151-бетлар.

сак маҳорат кўрсатган. Албатта, унинг ижодида ҳам буюк салафларига эргашиб ёзилган анъанавий ишқу мухаббат мавзуидаги шеърлар кўпчиликни ташкил этади. Айни пайтда, шоир реал ҳаёт тасвири, кундалик воқеалар баёни, шахсий кечинмалар тасвирига кенг ўрин беради. Бу шеърларда ватан соғинчию фурбат вами, зафарлар қувончию мағлубиятлар алами ўзининг ёркин бадий ифодасини топган. Тақдир зарбалари ва замона адолатсизликларидан шикоят, хиёнат аҳлини фош этиш ва ўзини ёзғирини оҳанглари ҳам етакчи ўрин тутadi. Хусусан, ҳасби ҳол, кўнгиш кайфияти ифодаланган шеърлар ўзининг ҳаққонияти ва самимияти билан ажралиб туради. Баъзи шеърларида табиат манзараларининг гўзал ва бетакрор чизгиларини учратамиз. Улар орасида инсоний комилликка даъват қилиб, илму маърифатнинг аҳамиятини улуғлаб, дунё, нафс, хою хаваслар, жоҳиллик ва ғофилликни қоралаб ёзилган, панднасихат йўналишидаги шеърлар ҳам анча-мунча. Енгил ва равон услуб,

сода ва тушунарли тил, табиий ва самимий ифода тарзи ҳаётий ҳодисалар ва шахсий кечинмалар талқини билан уйғунлашиб, Бобур шеъриятининг фавқулодда халқчиллиги ва бадий баркамоллигини таъминлаган.

Бобур ўз асарларининг мавзунини асосан ҳаётдан олди: у ўзи кўрган-билган, калбидан ўтказган, ўзини тўлқинлантирган нарсалар, кечинмалар ҳақида калам тебратади. Юрагини дастурхон каби ўқувчи олдига ёзади: ҳеч нарсани яширмай, кўнглида борини тўкади.

Бобур шеърларининг ҳаётийлиги уларнинг ижодхонада эмас, балки ҳаёт қозонининг ичида туриб ижод қилинганлигидадир. У бир умр одамлар орасида яшади, кизгин фаолият билан банд бўлди. Ҳатто ижод учун хилватга чекинишга ҳам ҳамиша вақт топавермаган. Шунинг учун бу шеърятда курашчан руҳ устувор. Умри курашда ўтган шоирнинг шеъри бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Албатта, унда умри илму ижод қолиб, тожу тахт ташвишида ўтаётганидан шикоят

килиш, ўз фаолиятидан қоникмаслик туйғулари, мағлубият онларидаги тушкунлик мотивлари ҳам учрайди. Лекин, бир бутун олганда, Бобур шеърляти неқбин ва курашчан шеърлят.

Бобурни ўқувчи худди ўзининг яқин ҳамсухбати, сирдошидай қабул қилади. Чунки Бобур ўқувчи билан ўзини тенг тутиб гапиради, фазилатлари хусусида ўртоқлашибгина қолмай, қусурларини ҳам мардлик билан очиб ташлайди. Бундай очик-ойдин иқроп шоирни ўқувчига яқинлаштиради, уларни ўзаро қадрдон қилиб қўяди.

Бобур шеърларини ичдан нурлантириб турган энг муҳим хусусият бу — унинг беқисс даражадаги самимияти. Таъбир жоиз бўлса, замини ўз ўки атрофидан айлангани каби Бобур шеърлари ҳам самимият атрофидан айланади.

БЕТАҚРОП ШАХСИЯТ

Бобур ҳаётнинг кўзига тик қарайди, тақдир зарбаларидан довираб қолмайди, ҳар қандай шароитда курашини учун ўзида қуч топади. Кўргиликларни кўравериб, дийдаси

қотиб кетган бу матонатли инсон ҳаёт шафқатсизликлари олдида дахшатга тушмайди. Қисматнинг шафқатсиз қўли уни туғилган юртидан бадарға қилганида табиатидаги тўғма шижоат ва ирода туфайли у бегона юртларда жон сақлаб қолдигина эмас, балки уч асрдан ортиқ ҳукм сурган буюк бобурийлар салтанатига асос солди. Бундай узок муддат ҳукмронлик қилган сулодалар жаҳон тарихида жуда кам. Шарқ халқлари тарихида-ку инчунин. Бобурнинг бетакрор шахсият сифатида бутун дунё аҳлини кизиқтириб келаётгани шундан. «Бобур Шарқ мамлакатлари тахтига ярашиб тушган ҳукмдорларнинг ёркин намояндаларидан биридир. Унинг шахси олийжаноб инсон ва улуғ шоҳга мансуб бўлган фазилатлардан таркиб топган, — деб ёзади Уильям Эрскин. — Кечирган ҳаёти, жангу жадаллар ва саргузаштлар борасида авлодларидан ҳеч бири унинг тақдирини такрорлай олмади»¹.

¹ Эрскин У. Бобур Хиндистонда (Ғ. Сотимов таржимаси). Тошкент, «Чўлпон», 1995, 102; 105-бетлар.

Зеро, мард одам аввал ўзидан бошлайди. Шунинг учун ҳам Хайриддин Султон: «Бобур — инсонлар ичида энг ростгўйдир», — деб лутф этган эди.

Бобурнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади:

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.
Хар ким бу «Вақоеъ»ни уқур, билгаим,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.*

Қизи Гулбаданбегимнинг эътироф этишича, Амир Темур замонидан буён ўтган подшоҳлар ичида у каби нотинч бўлгани йўқ. Чиндан ҳам, хали болалигидаёқ тақдир уни балолар гирдобига олди. У бошидан кечирган синовлари бемалол ўнта одамга ҳам етиб ортади. Ҳаётнинг ҳар қанчаки машаққатлари бўлса, мардона енгиб ўтган, шум фалакнинг барча найрангларига сабот билан бардош берган, замонанинг бор адолатсизликларини кўрган, одамларнинг жабру жафолари, хиёнатларига чидаган, шунга қарамай, деярли осуда умр кечирмай дунёдан ўтаётган бир инсон шундай дейишга

қўлга киритганида-ку, нафақат жанг-да катнашганлар, катнашмаганларни ҳам турли эҳсонлар билан сийлайди; Самарканд, Хуросон, Қашқар ва Ироқдаги қариндош-уруғларига совға-саломлар йўллайди; Самарканд ва Хуросондаги машҳур шайхларга, ҳатто Макка ва Мадинага назр-ниёзлар юборади. Ҳар тарафга чопарлар жўнатиб, қариндош-уруғлари, ота-боболарига хизмат қилганлар, умуман, Темур ва Чингизхон авлодидан бўлган барча кишиларни ҳузурига даъват этади: «Худо бизгу улуғ Ҳиндистон мамлакатини ато қилди, келинглари, то бу давлатни бир-галикда бошқарайлик», дейди. Чунки у жаҳонда фақат яхшилик пойдорлигига, одам боласидан фақат яхшилик қолишига ишонган. Шунинг учун ҳам барча элга яхшилик қилки, шундан яхши нарса йўқ, токи дунёда фалон кишидан яхшилик қолди, деб эл эслаб юрсин, деган ақида билан яшаган:

Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши

йўқ

Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин

яхшилиг!

Бу мавзуда «Бобурнома»да ҳам фикрлар учрайди. Чунончи: «Фаразким, бу дунёда кишидин ушмундоғ нималар қолур, ҳар ким ақлдин баҳравар бўлса, нега андоғ ҳаракатга иқдом қилмайким, андин сўнг ёмон дегайлар ва ҳар кишига хушдин асар бўлса, нега андоғ амр-эҳтимом қилмайким, қилфондин сўнг мустахсан дегайлар» (168). Шундан кейин ҳикмат аҳлининг: «Шухрат билан ёдланиши ҳақимлар иккинчи умр демишлар», — деган сўзларини келтиради. Бобурнинг ўзи ҳам барча эзгу фазилатларнинг соҳиби эди.

Футувват (X асрдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросонда халқнинг офирини енгил қилиш, зolim ҳукмдорларга қарши курашиш, уюшган ҳолда элу юртни ташқи душманлардан ҳимоя этиш мақсадида пайдо бўлиб, ўзида халқ ичидан чиққан турли касб-ҳунар эгаларини бирлаштирган ҳаракат. Бу тоифа жавоимардлар, фатийлар, аҳийлар, айёрлар деб ҳам юритилган — Э.О.) аҳли орасида яхшиликка яхшилик — ҳамманинг иши, ёмонликка яхшилик — мард кишининг

иши, деган хикмат машхур. Хакикий жавонмардликни амалда намойиш қилган мард ва танги, саховат ва шижоат соҳиби бўлган Бобур ҳам жавонмард ҳукмдорнинг ҳаётий тимсоли бўлган. Бинобарин, тақдири ҳар қанча оғир кечгани, замон ва одамлардан кун жабру жафо кўрганига қарамай, Бобурнинг ёмонликка ёмонлик билан жавоб бериши мумкин эмас эди ва унинг бутун ҳаёти бунинг ёрқин исботидир.

ТАСАВВУФИЙ ОҲАНГЛАР

Бобур шеърлари ҳар қанча ҳаётийлиги билан ажралиб турмасин, улар тасаввуф таъсиридан ҳам холи эмас. Бунинг икки сабаби бор: биринчиси, унинг накшбандия тариқатига мухлис оилада туғилиб-ўсгани, Хожа Аҳрор Валийнинг шогирди Мавлоно Муҳаммад Қозининг тарбиясини олгани, кейинчалик ҳам накшбандия шайхлари, жумладан, Махдуми Аъзам, Хусайн Хоразмийлар билан алоқасини узмагани бўлса, иккинчиси, тасаввуф фалсафаси билан чамбарчас боғлиқ

Шарк мумтоз сўз санъати анъаналарининг таъсири эканлиги шубҳасиз.

Барча Шарк шоирлари каби Бобур шеърятининг асосини ҳам Ишқ мавзуи ташкил этади. У ўз шеърларида мажозий ишққа кенг ўрин берган бўлса-да, мавжуд анъаналар доирасидан буткул чикиб кетолмади. Шунинг учун унинг ижодида ҳам салафлари сингари нафақат илохий ва дунёвий ишқ ўзаро омихта тасвирланган, шунинг баробарида, соф илохий ишқ улуғланган шеърларга дуч келамиз. Чунончи, ишқда номусу номдан ажраш, телба бўлиш — тасаввуф таъсирики, бусиз ошиқликнинг асоси нуч, ошиқнинг даъвоси эса ёлгон хисобланади. Мазкур анъанани давом эттириб, Бобур ёзади:

*Тарки номус айлабон бадном бўлдил ишқ аро,
Ким сени ошиқ дегай номусу номинг борида?!*

Бобур шеърларида телба, девона, расво, беҳуд сўзларининг кўп учраши бежиз эмас. Ҳақиқий ошиқ рисоладагидай одам эмаслиги, у ақлу хушидан жудо — телба, девона, эл ўртасида рас-

во, ишқ дастидан беҳуд бўлиши Шарк шеърлятида анъана тусини олган.

Энди айни газалининг навбатдаги байтига назар ташлайлик:

*Ким Хизр суйин овизлагай лабиниңнинг қошида?
Ким Масих алфозидин дегай каломинг борида?*

Хизр — ер остидаги оби хаёт — тирлик сувини излаб топган ва ундан ичиб, абадий хаётга ноил бўлган пайғамбар. Навоийнинг ёзишича, Тангри таоло Хизрга илми ладунни ато этган бўлиб, хайвон суви деганда шу нарсага ишора қилинади¹. Ладуний илмга саъй-харакат билан етиб бўлмайди, У Оллоҳ томонидан ўзи хоҳлаган бандасига берилувчи илохий илмдир. Маълум бўладики, Хизрнинг абадий хаёт сохиби эканлиги ҳам аслида унинг илохий илмлар эгаси бўлганлиги билан изоҳланади.

Исо Масих — Қуръонда зикри келган пайғамбар. Исо Масихнинг қўли

¹ Бу ҳақда қаранг: *Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо // Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 16-жилд. Тошкент, «Фан», 2000, 129-бет.*

теккан — силаган ўликка жон кириши учун ҳам унга ал-масих — силовчи лақаби берилган.

Мумтоз адабиётда маъшуканинг жонбахш лабини — оби ҳаётга, лаби атрофидаги майин туклар, яъни хатини — оби ҳаёт чашмаси теграсидаги майсага, қора сочларини — оби ҳаёт чашмаси яширин зулматга ўхшатиш бир анъана тусини олган. Нафаси ошиғига ҳаёт бағишлайдиган маъшуқа эса ўликни тирилтирадиган Исо Масихга нисбат берилади.

Бобур таърифидаги маъшуқа шунчалик юксакки, унинг лаби қошида ҳеч ким Хизр суви — оби хайвондан сўз очмайди. Унинг жон ато этувчи каломи олдида биров Масих сўзларини тилга олмайди.

Ёки:

*Эй кўнгул, гар ғайр сўзи захри қотилдур,
не гам,
Лабларидин шарбати юҳиш-изоминг борида.*

Бу ерда ғайр — бегона. Бегона — тарикат йўлига кирмаган, сайру су-

лукни ўтмаган киши¹. Лаб — сўфийлар истилоҳотида маънавийт оламидан анбиёга малаклар воситасида, авлиёга эса илҳом орқали нозил бўладиган калом². Шунингдек, пирининг илоҳий маърифатга кон сўзи ва бу жонбахш каломнинг мазмуни ҳам кўзда тутилади. Юҳйил изом — суякларни тирилтириш.

Байтнинг мазмуни: «Эй кўнгил, маъшуканинг лабларидан (хижрон ғамидан ўлган жисмингга) қайта жонбахш этувчи шарбатни тотар экансан, бегоналарнинг захри қотил каби сўзларидан ташвишланмасанг ҳам бўлади». Ёки: «Эй кўнгил, сен илоҳий маърифат файзидан баҳраманд бўлар экансан, бу ишқдан беҳабар ғофил оломоннинг паст-баланд гап-сўзларига нарво қилма». Яна: «Эй кўнгил, пири комилнинг илоҳий маърифат сирларидан хабар берувчи жонбахш

¹ Сайид Жаъфар Саъжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбириоти ирфоний. Техрон, 1370 (хижрий-шамсий). С. 207.

² Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Москва, «Наука», 1965, С. 170.

каломи турганда ҳар турфа жоҳил кимсаларнинг таъна-маломатларига эътибор берма».

Бобур ҳам ўз салафлари каби ҳақиқатга фақат пир раҳнамолигида етиш мумкин, деб ҳисоблайди. Бунинг учун мурид унга содиқ бўлиши керак:

*Ғар сидқ била бировки, ошиқ бўлғай,
Маъшуқ висоли анга лойиқ бўлғай.
Пир оллида топқуси муриди бешак,
Ҳар кимки, агар муриди содиқ бўлғай.*

Шунинг учун ҳам Бобур комил ихлос билан ёзадики:

*Йўлни не билғай киши то раҳнамо
қуржатмағай!*

Бобур ижодида тасаввуфий маънодаги байтларгина эмас, балки бошдан-оёқ сўфиёна мазмундаги ғазаллар ҳам мавжуд. Унинг ижодини асосан ҳаётний мавзудаги реал кечинмалар тасвирланган шеърлар ташкил қилишини рўқач қилиб, Бобур тасаввуфий мазмундаги шеърлар ёзмаган дейиш илмий ҳақиқатга қарши бориш бўлади.

«БОШИНГНИ ОЛИБ, ЭЙ БОБУР...»

Хар бир кишида ҳам ҳаётдан тўйиб, одамлардан безиб, ёруғ жаҳон кўзига қоронғи кўринганида дунёдан бош олиб кетгиси келадиган ҳолатлар, лаҳзалар бўлади. Абдулла Қодирий ҳам қаҳрамонларидан бири тилидан, «баъзи вақтларда кишининг дунёдан чиқиб кеткуси келиб қоладир»¹, — деб ёзган эди. Бу туйғу, бу кайфиятни рубоийга дастлаб Алишер Навоий олиб кирди, кейин Бобур уни ривожлантириб, авж нуктасига етказди.

Навоий бирмунча осойишта умр кечирган, ижодий, илмий, бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлган бўлса, Бобурнинг умри деярли талотўнда, жангу жадалларда кечди. Бинобарин, икки шоирнинг ҳаёти ва фаолиятини ўзаро муқояса қиладиган бўлсак, бу фикрни Бобур айтишга кўпроқ муносиб эди. Ўзи иқрор бўлиб айтганидек,

¹ *Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Мехрўбдан ҳаёти (Романлар). Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994, 89-бет.*

11 ёшдан сўнг бутун хаёти давомида рамазон хайитини икки марта бир ерда кутиб олиш унга насиб этмаган¹. Шох-шоир фалакнинг найрангларию тақдирнинг номардликларини, дунёнинг турфа ўйинларию замонанинг адолатсизликларини, бани башар феълининг барча турланиш-тусланишларини кўрди, улардан баъзан жони бўғзига келди. Ана шундай лаҳзаларда ичини ёндирган дардларини қоғозга тукиб, баъзида кишининг узлатга чекингиси, халқдан узилгиси, «дунёдан чикиб», хаётдан кочиб кетгиси келишини ўзининг улмас сатрларига муҳрлади.

*Мен неча жафою жавруннга сабр этай?
Бир зарра вафою меҳр иуқ сенда, нетай?
Чун бошим аёгиннга қўярга ярамас,
Бошимни олиб, аёқ этганча кетай!*

«Бобурнома»нинг 1502—1503 йил воқеаларига бағишланган фаслида бу ҳақда ўқиймиз: «Охир мундок саргардонликтин ва бу навъ беҳонумонликтин жонга еттим. Дедимким,

¹ Бу ҳақда қаранг: Эрскин У. Бобур Хиндистонда, 91-бет.

мундок душворлик била тирилгунча, бош олиб йитсам яхши. Бу навъ хорлик ва зорлик била эл билгунча оёғим етганча кетсам яхши. Хитойға бормоқни жазм қилиб, бош олиб кетмакка азм қилдим. Кичикликтин бери Хитой сариға ҳавасим бор эди» (89—90).

Чиндан ҳам, шундай пайтларда кишининг узлатга чекингиси, халқдан узилгиси келадикки, шоирнинг мана бу рубойи си шу ҳақда:

*Овора лиг асру хонумондин яхши,
Бир гўша манга икки жаҳондин яхши.
Овора бўлурини яхши эрмас демагил,
Бўлсам агар овора, не ондин яхши?!*

Бундан ташқари, у яна 5 та рубойи-сида «бош олиб кетиш» фикрини баён қилади: «Бошни олибон бир сари кетмак мушқил», «Бошимни олиб кетгай эдим юз қотла», «Бошимни олиб, қай сориға кетгаймен?», «Бошимни олиб бир сариға кетгаймен!», «Бошимни олиб аёқ етганча кетай!»

Агар бу мавзудаги рубойларни мазмунига кўра тартиб билан жойлаштириб чикса, мазкур фикрнинг туғилиши,

ривожланиши ва авж нуктасига етиб, катъий ҳукмга айланиш тадрижини кузатиш мумкин. Дастлаб унда умумий тарзда бошни олиб бир ёкка кетиш кайфияти туғилади («Бошини олиб, бир сориға кетса киши»). У юз марта бош олиб кетишга ҳам рози («Бошимни олиб кетгай эдим юз қотла»), лекин бу осон эмас («Бошни олибон бир сари кетмак мушқил»). Шунга карамай, бошқа иложи қолмагач, у барибир бош олиб кетишга қарор қилади. Аммо қаёкка («Бошимни олиб кай сориға кетгаймен?»)? Бирор ёкка («Бошимни олиб бир сариға кетгаймен!»). Шу тарика ният катъий тус олади. Қанчага («Бошимни олиб аёк етганча кетай!»)?

Бобурда «бош олиб кетиш» ниятининг фақат биттаси муҳаббат билан боғлиқ:

*Кузунгдин эрур, назора қил, хасталигим.
Кошингдин эрур, ҳам била пайвасталигим.
Бошимни олиб кетгай эдим юз қотла.
Бўлмаса эди сочинга дилбасталигим.*

Биттаси эса хаётий муаммолар,
иложсиз ҳолат, тушқунлик кайфияти
маҳсули:

*Ойирди мени ламона ул ҳамдамдин,
Қотиқроқ эрур бу иш манга мотамдин.
Эмди не қилайки, дермен, ушбу гамдин,
Бошиччи олиб, иштиб кетай оламдин.*

Бобур чорасиз аҳволда қолган
лаҳзаларида бошни олиб бирор ёкка
кетиш хусусида ана шундай дарду
алам билан ёзади.

ҲАҚ ВА ХАЛҚ РИЗОСИ ЙЎЛИДА

IX асрда Нишопурда вужудга кел-
ган маломатийлик маслагининг асосини
нафси енгини учун кураш ва дилни
поклаш учун риёзат чекиш ташкил
этади. Унинг ғоялари барча тариқатлар
ва сўфийларга, улар орқали тасаввуф
адабиётига кучли таъсир ўтказди.
Боязид Бистомий, Абусаид Абулхайр,
Абулҳасан Харақоний, Абдулҳолик
Ғиждувоний, Ахмад Яссавий, Наж-
миддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд,

Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоёр каби кўплаб валийликдан бонасиб улуғ шайху сўфийларнинг ўз-ўзларини ёзғириб, тавба-тазарру қилиб, маломатангиз шеърлар ёзганлари маломатийлик қарашларининг у ёки бу даражадаги таъсири эканлиги шубҳасиз. Бу таъсирнинг қирраларини мумтоз шоирларнинг кўпида учратамиз. Айни жиҳатдан Бобур ижоди диққатга сазовор.

Бобур бир умр ўз нафси билан курашиб, ўзини ёзғириб яшаган инсон. Воқеан, комилликнинг ўзи инсон билан унинг нафси ўртасидаги курашдан ва бу курашда нафснинг мағлуб бўлиб, руҳнинг эса ғолиб бўлишидан иборат. Бу — бир умрлик жараён. Албатта, бунда инсоннинг феъл-атвори, қатъияти, тақдири ҳам муайян роль ўйнайди. Маълумки, 12 ёшга етар-етмас тахтга ўтирган, ҳаётнинг кўплаб қутилмаган зарбаларига дуч келган, тақдирнинг барча аччиқ-чучукларини тотган Бобур савобу гуноҳларга тўла мураккаб ва зиддиятли умр йўлини босиб ўтди: гоҳ диний арконларни

махкам тутган бўлса, гоҳ шариат амрларини бузди; гоҳ дўстга ҳам, душманга ҳам фақат яхшилик қилди. У ўзи билан ўзи ёлғиз қолганда бу қилмишларини таҳлил қилиб, изтироб чекади, ўзини ўзи ёзғиради ва ички кечинмалари, ўй-фикрлари, айбу гуноҳларини самимий бир ошкоралик билан очиб ташлайди:

*Бесабрмену бесару сомондурмен,
Бир гамзададурмену паришондурмен.
Не диннинг ишин қилдим у, не дунёнинг,
Ё Раб, нетай, уз ишимга ҳайрондурмен.*

Бобурнинг бундай самимий иқрорлари кишида хайрихоҳлик туйғуларини уйғотади. Бу жиҳатдан Бобурнинг ичкиликка муносабати масаласи диққатга сазовор. Маълумки, умрининг фаолиятсизликка маҳкум тушкун паллаларида у шариат ман этган ичкиликка ружу қўйган. Ишлари ўнганганда ўзини англаб, бу қилмишидан тавба қилган. Мушкул ва чорасиз вазиятларга тушиб қолганида тавбасини бузган. Яна тавба қилган. Мана, ичкиликка ружу қўйгани туфайли ўзини ёзғириб, у нима дейди:

*Келди рамазону мен тақи бодапараст,
Ийд ўлди ю, зикри май қилурмен пайваст.
Не рўзаю не намоз — йиллар, ойлар
Тун-кун маю маъжун била девонаю маст.*

Маломатиянинг бани башар манглайига битган икки катта иллат — нафс ва кибрга қарши курашга асосланиши бежиз эмас. Зеро, нафс ва кибр — инсониятнинг энг кучли ва энг хавфли душманлари. Бу икки йирик душманни енгмай туриб, инсоний камолот тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Мумтоз шоирлар ижодида нафс ва кибр мазаммат этилган шеърларнинг кўп учраши шундан.

Нафс мумтоз адабиётда кофир, душман, рақиб, аждархо, илон, ит, дажжол каби сифатлар билан мазаммат этиб келинган. Бобур маснавийларидан бирида унга унинг ўғриси сифатини бериш била мазкур сифатлар силсиласини яна биттага бойитди. Дарҳақиқат, кўчадаги ўғридан ҳазир бўласан. Лекин ўғри уй ичидан чикса, бутун хонадон фораг бўлади. Шунга ўхшаб, инсоннинг ўз ичидаги, қалбидаги ўғри нафс сездирмай унинг иймонини заиф-

лаштиради, инсоф-диёнатдан айиради, обрў-эътиборини тукади, одамгарчиликдан чиқаради ва шу тарика уни халқ нафратию Ҳақ лаънатига дучор этади. Шунинг учун ҳам Ҳаким Термизий айтган эдики: «Нафснинг бир соат ичида қиладиган ишини юз шайтон ҳам қила олмас».

Бобурнинг нуктаи назарига кўра, инсон яшар экан, ҳам халқ, ҳам Ҳақ ризосига эришиш учун ҳаракат қилиши керак. Бу инсоний комиллик шарти бўлиб, Бобурнинг ўзи ҳам дунёвий ва диний илмларни етарли даражада ўзлаштирган, барча эзгу фазилатларнинг соҳиби бўлган етук инсон эди. Қисқа умрида улуғ ишларни қилиб улгурганига карамай, у ўз фаолиятдан сира коникмай, умрининг беҳуда, бесамар ўтган йиллари учун ўзини ёзғириб, ўзини бундан ҳам фаолроқ ва ҳушёрроқ бўлишга даъват этади:

*Масту беҳудлуқ била умрунгни утқардинг,
дариг,
Эй кўнгул, мундин бери бул бир нима
ҳушёрроқ.*

Муттасил равишда ўз хатти-ҳаракатлари, айтган сўзларини тахлил қилган, ўзини мудом чиғирикдан ўтказиб турган Бобур арзимаган ножўя хатти-ҳаракати, кичик бир айбу хатоси учун ҳам ўзини сира кечирмаган. Шоир шеърларини мутолаа қилар экан, унинг ўзини яна гумроҳ, нодон, беадаб телба, номурод, бессаруно, фақир (бечора маъносида), лаванд (бўшанг, ялқов) каби сифатлар билан аямай мазаммат этганлигининг гувоҳи бўламиз. Аслида бу ҳол биргина Бобур учун хос эмас. Барча буюк зотлар ўзларига нисбатан худди шундай шафқатсиз бўлишган. Зеро, ўз-ўзи билан курашмоқ инсоний камолот йўли бўлиб, унинг натижаси комиллик мақомидир.

БОБУР ТАЛҚИНИДА КОМИЛ ИНСОН

Бобур нуктаи назаридаги комил инсон реал, ҳаётга яқин, ҳатто шундоқкина атрофимизда, биз билан бирга яшаб, ишлаб, ўтириб-туриб юрган оддий бир одам эканлиги билан алоҳида

ажралиб туради. Шоир талқинида комил инсон ва яхши одам тушунчалари ўзаро кесишади. Зеро, яхши тарбия кўрган, дунёвий ва илоҳий билимларни етарли даражада ўзлаштирган, нафсу хавога берилмайдиган, мол-дунёга хирс қўймаган, инсофли, диёнатли, адолатли, сахий, бировдан яхшилигини аямайдиган, хушмуомала, кўнгли очик, бағри кенг, мард, танги, эътиқоди мустаҳкам, диний амрларни бекаму кўст бажарадиган, шариат кўрсатмаларидан четга чиқмайдиган киши Бобур наздида яхши инсон ҳисобланадики, бу айнан комил инсоннинг ўзидир. Бу жиҳатдан Азизиддин Насафийнинг комил инсонга берган қўйидаги таърифи Бобурнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари билан тўла мос келади: «...комил инсон шундай инсондирки, унда қўйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф».

Азизиддин Насафий таърифидан маълум бўладики, комил инсон дунёдаги жами яхшиликларни ўзлаштириши, уларнинг соҳиби бўлиши керак, ана

шу яхшиликлардан бири илм эгаллаш-
дир. Шоир бу ҳақда бир рубойида
шундай ёзади:

*Ким ёр анга илм, толиби илм керак,
Ўргангани илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби – илм керак.*

Бобурнинг ўзи ҳам барча дунёвий ва
илохий билимларни етарли даражада
ўзлаштирган донишманд инсон эди.
«Бобур подшоҳнинг фазилатлари бисёр
ва камолотлари бешумордир»¹, – дейди
бу ҳақда Ҳасанхожа Нисорий. Умри
уруш-юришларда ўтган бўлишига
карамай, у имкон топди дегунча ўқиш
ва ёзишга машғул бўларди. Унинг
шоир, адабиётшунос олим, муаррих,
факих, таржимон, мураббий, хаттот
ва мусикашунос сифатидаги серкирра
фаолияти ва сермахсул ижоди бунинг
ёркин намунасидир.

Бобур фарзандлари ва қариндош-
ларининг ҳам илм олиши учун астой-
дил ғамхўрлик қилган. Чунончи,

¹ Ҳасанхожа Нисорий. Музаққирн ахбоб,
53-бет.

«Мубаййин» («Фикхи Бобурий») асарини у ўфиллари Хумоюн ва Комрон Мирзоларга атаб, уларнинг шарият илмларини яхши эгаллашларига ёрдам сифатида яратган. Ёки жияни Мирзо Хайдарнинг илм олиши учун қилган фамхўрликлари, унга яратиб берган шароитларини олайлик. Кейинчалик муаррих бўлиб етишган Мирзо Хайдар тоғасининг яхшиликларини меҳру муҳаббат билан эслайди.

Комил инсон учун талаб қилинадиган кейинги талаб нафс тарбияси ва яхши инсоний фазилатларни ўзлаштириш, ўзидаги барча қусурларни махв этиш. Нафснинг ёмонликлари, ундан қутулиш лозимлиги ҳақида Бобур ўзининг маснавийларидан бирида шундай ёзади:

*Нафснинг касбидур ҳавою ҳавас,
Рух олидадур булар ярамас.
Нафс душмандурур, яқин билгил,
Дўстум, бу сўзумни чин билгил.
Душманедур, агарчи ўтру эмас,
Лек бир лаҳза сендин айру эмас.*

Комилликнинг яна бир шарти ҳаммага яхшилик қилиш, эл билан яхши муомалада бўлиш, хайру саховат на-

муналарини кўрсатиш ва бошқа эзгу инсоний фазилатларки, шоирнинг бир қатор шеърларида улар улуғланади. Яхшилик, яхши ном қолдириш — мумтоз адабиётда куйланиб келган энг асосий мавзулардан бирики, Бобурнинг энг машҳур ғазалларидан бири шу ҳақда эканлиги маълум.

Комил инсон — ҳам Ҳақ, ҳам халқ ризосини қозонган киши. Шоир бир рубоийсида шунга даъват этади:

*Носиҳ сузи санга печа мардуд ўлғай,
Яхшию ямон қошингда побуд ўлғай.
Бори эмди маош бир навъ этким,
Ҳақ рози ю, олам эли хушнуд ўлғай.*

Хулоса қилиб айтганда, Бобур учун комил инсон қандайдир самовий, мавҳум бир зот бўлмай, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, касбу ҳунарда баркамол, илму донишда ўз даврининг пешқадами, барча эзгу фазилатларни ўзида жамлаган реал, ҳаётий шахс. Бугина эмас. У ўзининг барча илми, хунари, тажрибаси, бойлиги, имкониятларини эл-юрт манфаати учун сарфлаши керак. Буюк зотлар

Бобурнинг куйидаги рубойиси амал-мартаба ёки мол-дунёнинг кўпайиши натижасида кибру хавога берилиб, ёру дўстларни унутмаслик хақида:

*Давлатқа етиб, меҳнат эли унутма!
Бу беш кун учун узунни асру тутма!
Борғонни, кел эмди, ёд қилмай, эй дуст,
Бориш-келишингни лутф этиб уксутма!*

Бобурнинг ақидаси ва ҳаётий тажрибасига кўра ҳар ким қилмишидан топади: яхши одам ёмонлик қилиши мумкин эмас, ёмон кимсага эса яхшилик ҳайф; худди шундай вафо қилган вафо кўради, жафо қилган жафо. Бу фикрлар унинг шеърӣй хикмат даражасига кўтарилган куйидаги рубойисида ўзининг ёркин ифодасини тошган:

*Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.*

Луқмони Ҳакимдан: «Барча дўстлардан ҳам азиз душман кайси?» — деб сўраганларида, у: «Нафс», — деб жавоб берган экан. Бобур унга жисм уйидаги

ўғри сифатини беради, зеро, у вужудни ичдан емирадиган ички душмандир:

*Гарчи зоҳирда тўғридектур нафс,
Жисминг уйида ўғридектур нафс.*

Бу душманни зарарлантириш учун уни ўзингга бўйсундиришинг, жиловини қўлингга олишинг керак. Бундай инсонга бўйсунган нафсни донишмандлар нафси хамида, яъни гузал нафс дейдилар. Уларнинг таълимотига кўра, нафсни ўлдириш дегани уни бутунлай маҳв этиш бўлмай, балки исломийлаштиришдир. Ислом дини эса дунёнинг барча неъматларидан меъёрида фойдаланишга даъват қилиши маълум.

Аслида ихчамлик, лўндалик, ўткирлик, тушунарлилик ва таъсирчанлик хикматли сўзнинг асосий хусусиятлари бўлиб, Бобур ўз хикматларида бу талабларга ортиғи билан риоя қилган. Шоир қаламига мансуб мазмунан тегаран, бадий баркамол хикматларнинг асрларни бўйлаб келгани ва бундан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаслиги сири шунда.

ФОРСИЙ ШЕЪРЛАРИ

Бобурнинг форс тили ва адабиётини чуқур билгани, Навоийнинг форсий девонига талабчанлик билан баҳо бергани, вазият тақозоси билан ўзи ҳам форсий байт, китъа ва рубоийлар айтгани маълум. «Бобурнома»нинг номаълум котиби ҳам унинг фазилатларини таъриф этар экан, «назм ва наср, туркий ва форсийни бебадал айтур эди» (267), — дейди. Туркиядаги Истанбул университети кутубхонаси туркий қўлёзмалар бўлимида сақланаётган девонида унинг форс-тожик тилида ёзган 1 ғазал, 10 рубоий, 4 китъа, 12 фарди ва 1 номаси мавжуд.

Уильям Эрскиннинг ёзишича, Бобурнинг форс тили ва адабиётига қизиқиши оиладан бошланган — у 8 ёшидаёқ Абулқосим Фирдавсий «Шохнома»сидан парчалар ва Хофиз Шерозий ғазалларидан анча-мунчасини ёд биларди. «Шохнома»га ихлоси билан бўлганлигидан тахтга ўтиргандан сўнг бу муаззам асарда қаламга олинган воқеаларнинг давомини шеърга

солишни икки нафар форс шоирига таклиф қилган. Бобур Хиндистондек улкан бир мамлакатда форс тилини давлат тили мақомига кутарибгина қолмай, форсийзабон адабиётда янги йўналиш — сабки ҳиндий (хинд услуби)нинг вужудга келишига замин яратди.

Ҳасанхожа Нисорий «Музаккири аҳбоб» («Дўстлар ёдномаси») тазкирасида Бобур хусусида маълумот берар экан, «туркий ва форсийда яхши шеърлари бор», дейди ва «подшоҳнинг олий мақолотлари»дан бири сифатида қуйидаги мисраларни келтиради:

*Хароботию ринду майпарастам,
Ба олам ҳар чи меғуянд — ҳастам.
То ба зулфи сияҳаш дил бастам,
Ал парешонии олам растам¹.*

Мазмуни: «Хароботию ринду майпарастаман, бу оламда мени нима десалар — ўшаман. Ёрнинг қора зулфига боғланган кундан буён бу ўткинчи дунёнинг баму ташвишларидан қўлимни ювиб, қўлтиққа урганман».

¹ Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб, 53-бет.

Таниқли адабиётшунос олим Натан Маллаев ҳам «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида гарчи Бобурнинг бу тилдаги ижоди ҳақида фикр юритмаган бўлса-да, девонида форсий шеърлари мавжудлигини эътироф этган эди:

«Бобур девони унинг, асосан, ўзбек тилидаги шеърларидан ташкил топган. Бироқ, шу билан бирга, унда форс-тожик тилида ёзилган бир неча шеър ҳам бор. Бобур ўз она тилига бўлган муҳаббатини камтарлик билан алоҳида қайд этиб:

*Эрурман турк ошиқ, кош билсам форсий қони?
Десам, ҳошимни билса, форсийдан дилбарим
оши. —*

деган эди. Лекин Бобур форс-тожик адабий тилини ҳам мукамал билар эди. Бунга унинг форс-тожик тилидаги шеърлари яққол далил бўла олади»¹.

Машҳур форс-тожик сўз санъаткорлари асарлари мутолааси таъсирида Бобур ҳам дастлаб форсийда байтлар тўқийди. Бу ҳақда унинг ўзи: «Ул

¹ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, «Ўқитувчи», 1976, 581-бет.

махаллар бирар байт, иккирар байт форсийдин айтур эдим. Бу байттин анда айтиб эдим» (75), — дейди. Бобур ўзининг илк форсий ғазалини 11 ёшида ёзган — у қуйидаги матлаъ билан бошланади:

*Хеч кас чу ман харобу ошиқу расво мабод,
Хеч маҳбубе чу ту бераҳму бепарво мабод.*

Мазмуни: «Хеч ким мен каби харобу ошиқу расво бўлмасин, хеч бир маҳбуба сен каби бераҳму бепарво бўлмасин».

Албатта, Бобур Навоий каби форс тилида жиддий калам тебратмаган, айтиш мумкинки, унинг бу тилдаги барча машқлари бадиҳа тарзида қоғозга тушган. Шунга карамай, улар Бобурга хос услуб равонлиги, фикр ёркинлиги, мазмун терафлиги, қўлланган сўзларнинг содда ва тушунарлилиги билан ажралиб туради. Чунончи, қуйидаги фардида бировни ранжитиш, кўнглига озор беришни қоралаб, дилозор киши агар хуру фаришта бўлса-да, дилим озор чекар экан, ундан безорман дейди:

*Он дилозор, ки бошад дар дил озорам аз ӯ,
Филмасал, хуруц пари бошад, ки безорам аз ӯ.*

Шоирнинг дилозор кимсани бундай кескин мазаммат этиши бежиз эмас. Динда ҳам, тасаввуфда ҳам, халқда ҳам дилозор кишилар кагтик кораланган. Жумладан: «Дилозорларнинг хаммалари дўзахга махкумдирлар», — дейилади бир хадисда. Бошқа бир хадисда айтилишича эса: «Хақиқий мусулмоннинг қўлидан ҳам, тилидан ҳам мусулмонлар озор тонмайдилар». Халқимизда: «Дилозордан худо безор», — деган мақол ҳам бор.

Бобур форс тилини шунчалик яхши билганки, хатто баъзи шеърларида ирсоли масал тарзида халқ мақолларидан ҳам маҳорат билан истифода этади:

*Басе асбони този монда доғар,
Шуда гавони ноҳинжор фарбеҳ.
Чи бояд кард кори даҳри дууро:
«Жаве толев зи харворе хунар беҳ!»*

Мазмуни: «Қанчадан-қанча учқур отларга эт битмагани холда, фаросатсиз хўкизлар семириб кетди. Бу тубан дунё ишнини нима қилса бўлади: бир

дунё фазлду хунардан бир зарра толе афзал!»

«Бобурнома»да ҳам шоирнинг турли вазиятларда турли муносабатлар билан айтган қатор форсий байтларига дуч келамиз. Чунинчи, поччаси Мухаммад Хусайини шайбонийлар ўлдиргач, жияни Мирзо Хайдар (манхур муаррих — «Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи) аввал унинг хузурига — Кобулга келиб, уч-тўрт йил тарбиясида бўлганлиги, сўнг руҳсат олиб, Кошғарга — Султон Саидхон олдига кетгани ҳақида ёзар экан, қуйидаги байтти илова қилади:

*Бол гардад ба аси худ ҳама чил,
Зари софия нуқраву арзил.*

Мазмуни: «Хоҳ асл олтин, қумуш ёки кўрғошин бўлсин, ҳамма нарса бир кун аслига қайтади».

Хусравшоҳнинг иниси Боки Чағонийнинг хиёнат йўлини тутганида уни жазолан ўрнига, тақдир ҳукмига хавола этади — сен ўзини ёмонлик қилгани тақдир ҳукмига хавола қил, тақдирнинг ўзи сенинг ўчинини олиб берувчи хизматқордир, дейди:

*Ту бад кунандаи худро ба рузгор бисунор,
Ки рузгор туро чокарест кинагулор.*

Ҳақиқатан ҳам, Боки Чағониёний ўз бошини ўзи ейди: афғон карокчилари молини талаб, хотинини тортиб олиб, ўзини ўлдириб юборишди.

«Бобурнома»да 50 дан ортик ўринда турли муносабат билан форсий мисра, байт, фард, қиъа, рубоий ва таърихлар келтирилади. Улар орасида Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Дехлавий, Хофиз Шерозий, Сайфи Бухорий, Шайхим Сухайлий, Вафойӣ, Ҳасан Яъқуббек, Бойсунғур, Камолиддин Биноий, Мулло Мухаммад Толиб, Кичик Мирзо, Фаробий, Мухаммад Ҳусайн, Хожа Калон каби шоирлар ижодидан келтирилган намуналар билан бир каторда, турли вазиятлар тақозоси билан муаллифнинг ўзи томонидан бадиҳа тарзида айtilган кўплаб форсий байт, қиъа ва рубоийлар ҳам берилган. Такрор келган икки байтни кўшиб ҳисоблаганда, уларнинг умумий ҳажми 172 мисрани ташкил этади. Истанбулда сақланаётган девонидаги

форсий шеърлари билан биргаликда олсак, Бобурнинг форсий мероси ҳам салмоқлигина экани маълум бўлади. У Хожа Ахрор Валиининг «Волидия» рисоласини форсийдан шеърий йул билан ўзбекчага таржима қилганки, бу ҳам унинг форсий тилни қанчалик чуқур билишидан гувоҳлик беради. Бу намуналарни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, шоирнинг форсий ижодига муносиб баҳо бериш ўзбек адабиёт-шунослари олдида турган навбатдаги долзарб вазифалардандир.

«МАЪЛУМОТЛАР ХАЗИНАСИ»

«Бобурнома» — XVI аср ўзбек насрининг бетакрор намунаси бўлиб, бу мемуар ва тарихий-илмий асар тахминан 1518—1530 йилларда ёзилган. «Бобурия», «Воқеоти Бобур», «Воқеанома», «Тузукки Бобурий», «Табакоти Бобурий» ва «Таворихи Бобур» номлари билан ҳам машҳур. Бобурнинг ўзи «Вақое» ва «Тарих» номлари билан тилга олган. Унда 1494—1529 йилларда Марказий

Осиё, Афғонистон ва Хиндистондаги воқеалар муаллиф ҳаёти ва фаолияти, унинг муносабати ва баҳоси билан боғлиқ ҳолда ўта аниқ ва ҳолислик билан ёритиб берилган.

«Бобурнома»да баён қилинган воқеалар содир бўлиш ўрни ва вақтига кўра учга: Мовароуннаҳр (1494 – 1504), Афғонистон (1504 – 1524) ва Хиндистон (1525 – 1530)да Бобур ҳукмдорлик қилган даврга бўлинади. Биринчи қисмда 12 ёшли Бобurning Фарғона тахтига ўтириши (1494)дан бошлаб, унинг отаси ва авлодлари ҳақида, теурийлар ўртасида авж олган ўзаро урушлар (XV асрнинг 90-йиллари), Самарканд тахти учун Шайбонийхонга қарши олиб борган жангу жадаллари (1497 – 1501) ва барча саъй-ҳаракатларининг беҳуда кетиб, Қобулга юз тутишигача (1504) бўлган воқеалар кенг ёритилади. Иккинчи қисми Қобулни забт этиб, бу ерда марказлашган давлат тузиш учун кураши, ички тартиб-интизом ўрнатиши, мамлакат тараққиёти ва ободончилиги учун олиб борган саъй-ҳаракатлари,

Исмоил Сафавий билан иттифок тузиб, Самарканд тахтини эгаллаши (1511), лекин шайбонийлардан енгилб (1512) яна Кобулга кайтиши ва Хиндистон юришига тайёргарлик куриши билан боғлиқ воқеалар хикоя қилинади. Учинчи қисми эса Бобурнинг Панипат жангида Дехли султони Иброҳим Лўдийни енгиб, Хиндистонни эгаллаши, Рано Санғони мағлубиятга учратиб, Шимолий Хиндистонни ҳам ўзига бўйсундиргани (1527) ва бобурийлар давлатини барпо этгани хақидаги маълумотлардан иборат.

«Бобурнома» тарихий-мемуар асари шоирга оламшумул шухрат келтирди. Унда XV аср охири – XVI аср бошларида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хиндистонда кечган воқеалар, темурийлар салтанатининг шикроти, шайбонийларнинг ҳокимият тегасига келиши содда услуб, самимий руҳда ўзининг ҳаққоний ифодасини топган. Асарда Хусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбоний, Убайдуллоҳон, Шох Исмоил Сафавий, Иброҳим Лўдий каби ўнлаб ҳукмдорлар, Алишер Навоий,

Камолиддин Биноий, Муҳаммад Солих, Бехзод, Хондамир, Мирзо Хайдар сингари катор адабиёт ва санъат намояндалари тўғрисида маълумот ва хотиралар келтирилган.

Комусий характердаги бу асарда, шунингдек, Мовароуннахр, Афғонистон ва Хиндистон мамлакатлари тарихи, маданияти, табиати, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, шаҳар ва қишлоқлари, бу ерларда яшайдиган халқларнинг турмуш тарзи, урф-одат, анъаналари, диний эътиқод ва маросимлари, турли ижтимоий табақалар, ҳарбий санъат ва жанг қуроллари, ўзининг уруш-юринлари, турли фанларга оид қўндан-қўп маълумотлар ва бошқалар ўрин олган. Айтишлик, асарда минггача географик ном — мамлакат, шаҳар, қишлоқ, қалъа, дашт, тоғ, доvon, дара, дарё, кўприк, кечик, кўл, чашма, боғ, яйлов, ўтлок ва бошқа жойларнинг номлари тилга олинган. Кўзлаб географик номлар тарихий ва луғавий жиҳатдан изоҳланган. Асарнинг илмий-танқидий матнини яратган япон олими Эйжи Мано бежиз уни «маълумотлар

хазинаси» деб атамаган эди. У шох асари «Бобурнома» билан жаҳоннинг энг машҳур муаррихлари сафидан жой олди.

ЖАҲОННИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН АСАР

Ўзбек адабиётининг бирор намунаси «Бобурнома» чалик жаҳон миқёсида машҳур бўлмаган. Асрлар давомида дунёнинг етакчи тилларига қайта-қайта таржима қилинган ва кенг кўламда ўрганилган Шарк мумтоз насрининг бу дурдона асари аллақачон жаҳон илму адаб ахлининг эътирофига сазовор бўлган.

Аслида ўз ҳаёти соғномасининг бошқа тилларга таржимаси билан кизиккан ва бу борада ташаббус кўрсатган Бобурнинг ўзидир. Унинг амрига кўра сафдоши ва мирзаси, Вафойи тахаллуси билан гўзал шеърлар битган, «Футухоти Хинд» («Хинд фатхи») китобини яратган, «Мубаййин»га шарҳ ёзган Шайх Зайн улк бор «Бобурнома» таржимасига

киришган, лекин 1525–1526 йиллар орасидаги 11 ойлик воқеаларни камраб олувчи бир парчанигина форсчага таржима қилган.

Иккинчи форсий таржима Мирзо Хасан Пояидахон томонидан бошланиб, Муҳаммадқули Хисорий уни давом эттирган ва 1586 йили ниҳоясига етказган. Асл нусхадан маҳорат билан амалга оширилган ушбу таржима гаджикотчилар томонидан юксак баҳоланган.

«Бобурнома»нинг Акбар тошширигига кўра 1589 йили олим ва адиб Абдурахим ибн Байрамхон томонидан амалга оширилган таржимаси ўзининг тўла ва мукамаллиги, муаллиф услубининг ўзига хослиги ва туркий тилнинг хусусиятларини сақлаб қолганлиги жиҳатидан «иккинчи аслият» сифатида машҳур бўлиб, асарнинг Шарқ мамлакатларида кенг тарқалиши ва дунё тилларига таржима қилинишида катта роль ўйнайди.

«Бобурнома»нинг форс тилидаги тўртинчи таржимаси 1912 йили Бухорода Тоғаймурод қарлук Хатлоний томонидан амалга оширилган.

Умуман, ҳозирги кунда жаҳон қўл-ёзма фондларида «Бобурнома»нинг форс тилидаги 68 та қўлёзмаси мавжуд.

«Европа илм аҳлига «Бобурнома»ни биринчи марта таништирган олим голландиялик Витсен бўлган. У 1705 йилда асардаги Фарғона водийсининг жўғрофиясига оид тасвирлар («Татарлар мамлакатининг шарқий ҳам шимолий қисмининг жўғрофий таърифи»)ни таржима қилиб, Амстердамда нашр эттиради. Ушбу таржима туфайли, бир томондан, ўзбек халқининг бой адабий мероси билан Европа халқлари таниша бошлаган бўлса, иккинчи томондан, инглиз шарқшунослари таърифлаган «Бобурийана» даври ҳам бошланди»¹.

Таниқли инглиз шарқшунослари Жон Лейден ва Уильям Эрскинлар бир-бирларидан беҳабар ҳолда бир вақтнинг ўзида «Бобурнома»ни инглизчага ўгиришга киришадилар. Ж. Лейден бевақт вафот этиб, таржима

¹ *Отажонов Н.* «Бобурнома» жаҳон кезади. Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984, 22 – 23-бетлар.

ниҳоясига етмаган бўлса, У. Эрскин Абдурахим ибн Байрамхон таржимаси асосида 1811 йилда иш бошлаб, 1817 йилда охирига етказди. Лекин у хамкасбининг таржимасидан хабар тошиб, уни қўлга киритади — чунки у асл нусхадан ўнгирган эди. Кейин икки таржимани киёслаб, тахрир қилиб, «Бобурнома», Лейден — Эрскин таржимаси» номи билан 1826 йили Лондонда чоп эттиради. Бу «Бобурнома»нинг Лейден — Эрскин таржимаси сифатида Европада машҳур бўлиб кетади.

1921 йилда Дублин университетининг профессори, шарқшунос олим Льюкас Уайт Кинг таржимани қайта тахрир қилиб, бир қадар тўлдириб нашр эттиради ва унга 4 мингдан ортиқ изох ёзди.

Француз шарқшуноси Паве де Куртейль 1871 йили Парижда «Бобурнома»нинг тўлиқ французча таржимасини чоп эттиради. Унинг «равшан ва равои тили, таржиманинг ёяи пухта ва аниқлиги туфайли Захириддин Мухаммад Бобурнинг классик асари Францияда кенг тарқалиб, китобхонлар қизиқишига сазовор бўлди. Таржима

бевосита асл нусхадан амалга оширилган бўлиб, аввалги инглизча, немисча таржималарда йўл қўйилган камчиликлар бартараф қилинган»¹.

1980 йилда туркшунос Жан Луи Бакйе Граммон томонидан «Бобурнома»нинг янги ва мукаммал французча таржимаси Парижда нашр этилди — унда асарнинг аввалги французча таржималарида содир этилган кўплаб хато-нуксонлар тузатилган.

1810 йили немис шарқшуноси ва сайёҳи Юлмус фон Клапрот «Бобурнома»нинг Фарғона тасвирига оид қисмларини таржима қилган бўлса, 1828 йили А. Кайзер Лейден — Эркин таржимасини қисқартирилган шаклда Лейпцигда нашр этгирди.

«Бобурнома»нинг рус тилидаги мукаммал ва эътиборли таржимаси атоқли шарқшунос Михаил Салье каламига мансуб (дастлабки қисқа таржимаси 1948, тўлиқ таржимаси 1958 йилда нашр этилган).

¹ Салимова Ф. Паве де Куртейль — «Бобурнома» таржимони // Таржима назарияси масалалари. Илмий ишлар тўплами № 606 Тошкент, 1979. 98-бет.

Туркияда «Бобурнома» таниқли шарқшунос Рашид Раҳмати Орат таржимасида (1943–1946) машҳур.

1921 йили Анетта Сусанна Бевериж хоним томонидан «Бобурнома»нинг иккинчи тўлиқ таржимаси Лондонда босилиб чиқади.

1996 йили Гарвард университети профессори Уилер Тэкстон таржимасида Америкада ҳам асарнинг мукаммал яна бир нусхаси дунё юзини кўради.

Бобурнома таржимаси ҳеч бир даврда тўхтаб қолмаган. У урду (1924, 1965), ҳинд (1974), испан (2008), озарбайжон (2010) ва бошқа тилларга таржима қилинди, қайта-қайта нашр этилиб, асар устида янгида-янги тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу унинг жаҳоний шухрати тобора ортаётганидан далолат беради.

БОБУР ОИЛАСИ

Бобур 8 марта уйланиб, 19 та фарзанд кўрган.

Биринчи хотини амакиси – Самарканд ҳукмдори Султон Аҳмад Мирзо-

нинг учинчи кизи Ойша Султон бегим бўлиб, у беш ёшида Бобурга бешик-кертти қилиб қўйилган эди. Ундан Фахруннисо деган бир киз кўрса-да, у чакалоқлигида ўлиб кетади. Опасининг қутқуси билан Ойша Бобурдан ажрашади.

Иккинчи хотини тоғаси Султон Махмуд Мирзонинг кизи Зайнаб Султон бегим бўлиб, икки-уч йилдан кейин у чечак касали билан ўлади.

Учинчи хотини Ҳусайн Бойқаро авлодларидан бўлган Моҳим бегим. У Ҳумоюн Мирзо, Борбўл Мирзо, Меҳржаҳон бегим, Эсон Давлат бегим, Форук Мирзо каби беш фарзанд кўрган бўлиб, Ҳумоюндан бошқаси болалигида нобуд бўлишган.

Тўртинчи хотини Гулрух бегим бўлиб, ундан Комрон Мирзо, Аскаррий Мирзо, Шохрух Мирзо, Султон Аҳмад Мирзо ва Гулъизор бегимлар туғилган, лекин Комрон ва Аскарийдан бошқалари ёшлигида вафот этган.

Бешинчи хотини Дилдор бегим бўлиб, у Гулранг бегим, Гулчехра бегим, Ҳиндол Мирзо, Гулбаданбегим ва

Олур Мирзоларнинг онаси эди. Олур Мирзо Хиндистонда корин оғриғидан оламдан ўтади.

Олтинчи хотини ҳам амакиси Султон Аҳмад Мирзонинг кенжа кизи Маъсума Султон бегим бўлиб, у туғишининг устида ўлади ва ундан қолган кизга онасининг номини берадилар.

Еттинчи хотини Меҳри бегим бўлиб, унинг Меҳржон бегим деган бир кизи бўлган.

Саккизинчи хотини Малик Мансур Юсуфзайнинг кизи Биби Муборака бўлиб, Афғоний оғача номи билан машҳур эди.

Кизи Гулбаданбегимнинг маълумот беришича, Бобурнинг Фахруннисодан бўлак барча фарзандлари Кобулда туғилган.

Демак, Бобурнинг 10 ўғли, 9 кизи бўлган.

ЭРТА СЎНГАН УМР ҚУЁШИ

Заҳириддин Мухаммад Бобур 1530 йил 26 декабрда 47 ёшида Аграда вафот этади.

Албатта, Бобурнинг бу кадар ёш ўлиб кетишига унинг сарсон-саргардонликда ўтган нотинч хаёти, тортган кўндан-кўп ранжу машаққатлари, чеккан алам-қайғулари ва, энг муҳими, Иброҳим Лўдийнинг онаси томонидан захарланиши ҳам сабаб бўлган. Чунки бу секин-аста таъсир килувчи ўта кучли захар бўлиб, Бобур гарчи ундан ўлмай қолган бўлса ҳам, у йиллар давомида жисмини емирган бўлиши шубҳасиз. Отасининг бевақт ўлимига ўша захарнинг таъсири бўлганлигини кизи Гулбаданбегим ҳам айтиб ўтади. Бунинг ўстига, Хиндистоннинг, Бобурнинг ўзи айтмоқчи, «камлатофат ер воқеъ» бўлгани, уч ишидан кишига азият етиши — иссиғи, чанги, тез эсар шамоли, яъни ноқулай об-хавоси ҳам сабаб бўлган бўлиши мумкин. Хинд олимлари ҳам Бобурнинг ўлимига унинг машаққатли хаёти ва Хиндистоннинг ортиқча иссиқ ва нам иклими сабаб бўлган деб ёзадилар. Чунки унинг Хожа Калонга ўхшаган сафдошлари айнан хинд иклимига тоб беролмай, ўз ҳукмдорларини хафа

килиб бўлса ҳам Кобулга кайтган эканлар. Ёки Дилдор бегимдан бўлган ўғли Олур Мирзо дардга чалиниб, вафот этади. Бу мусибат эскирмай туриб, Дехлидан Хумоюннинг оғир хасталикка чалингани хабари келади. Унга ҳеч бир дори-дармон қор қилмайди. Шунда ҳақимлардан бири қадимдан давом этиб келаётган бир удум ҳақида гапириб қолади. Унга кўра, киши энг азиз нарсасини Оллоҳ таолога бахшида этиб, эвазига беморнинг ҳаётини сақлаб қолишини илтижо қилиб сўраши керак бўлиб, агар Оллоҳ унинг илтижосини қабул айласа, бемор соғайиб кетар экан. Шунда Бобур ўғлининг ҳаёти ўзи учун энг азиз нарса эканлигини таъкидлаб, уни сақлаб қолиш учун ўз жонини бағишлашини айтади. Яқинлари уни бу йўлдан қайтармоқчи бўладилар. Бошқа бир қимматбаҳо нарсани, масалан, Кўхинур олмосини атаса ҳам бўлишини маслаҳат берадилар. Бобур бу таклифларнинг барчасини рад этиб, ўғлининг азоб чекаётганини кўриб чидаб тура олмаслигини, унинг ўрнига

Ўз жонини фидо қилишини билдиради. Шундан кейин хилватга кириб намоз ўқигач, Ҳумоюннинг атрофидан уч марта айланиб, Худодан илтижо қилади. Мўъжизани қарангки, шундан сўнг Ҳумоюн оёқка туриб, Бобур тушакка миҳланади.

Бобур дастлаб Аградаги Боғи Нурафшонга дафн этилган. Жамуна дарёсининг чап қирғоғида барпо этилган бу боғ Агра марказидан 2,5 км масофада бўлиб, ҳозир Ромбоғ деб аталади. Васиятига кўра, 1539 йили унинг хоки Кобулга – ўзи ихлос қўйиб обод қилган Назаргоҳ боғига кўчирилган (Кобул шаҳрининг Шердарвоза тоғи ёнбағридаги бу боғ ҳозирда Боғи Бобур деб аталади).

Кобулликлар Бобур макбарасини муқаддас зиёратгоҳ деб билдилар. Ҳар йили 21 март куни – Наврўз байрамида аҳоли Боғи Бобурга келиб биринчи кўчатни ўтказишади – шаҳар аҳли учун кўчат ўтказиш ҳафталиги шу боғдан бошланади. Кобулга келган киши Бобур макбарасини зиёрат қилмай кетмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Бобур она юртида чинакам ҳурмат-эҳтиром топи. Андижонда «Боғи Бобур» барпо этилиб, шоирнинг рамзий қабр-мақбараси, «Бобур ва жаҳон маданияти» музейи ташкил этилди. Шаҳар марказида ва боғда унинг хайкали ўрнатилди. Андижонда Бобур номидаги университет, театр ва кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Андижоннинг марказий кўчаларидан бирига, Тошкентдаги истироҳат боғи ва кўчага, Хонобод туманидаги истироҳат боғига ҳам улуғ ватандошимиз номи берилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Бобур номидаги медали таъсис этилган.

1993 йил 23 декабрда Халқаро Бобур жамғармаси ташкил этилиб, табиатшунос олим Зокиржон Машрабов раҳбарлигида у 10 дан ортиқ Шарқ мамлакатларига илмий сафарлар уюштириб, Бобур ва бобурийлар бўйича кўплаб янги маълумотлар тўплади, янги асарларни илмий муомалага киритди, Бобур хақидаги катор тадқиқотларга хомийлик қилди,

бир неча илмий, ҳужжатли фильмлар яратилди. Бобуршунослик соҳасида мукофотлар таъсис этиб, Бобур ва бобурийлар буйича тадқиқотлар олиб бораётган мутахассисларни тақдирлаб келмоқда.

БОБУР ВИЛОЯТЛАР ТАЪРИФИДА

(«Бобуринома»дан)

Фарғона вилояти бешинчи иклим-
дидур. Маъмуранини¹ канорасида²
вокиъ бўлубтур...

Мухтасар³ вилояттур, ошлиғ ва
меваси фаровон. Гирдо-гирди тоғ
вокиъ бўлубтур. Ғарби тарафидаким,
Самарканд ва Хўжанд бўлғай, тоғ
йўқтур...

Етти пора қасабаси⁴ бор; бешин
Сайхун⁵ суйинини жануб тарафида,

¹ *Маъмура* – мамлакат.

² *Канора* – чекка, ён.

³ *Мухтасар* – кичик, муъжаз.

⁴ *Қасаба* – катта қишлоқ, шаҳарча

⁵ *Сайхун* – Сирдарё.

икки шимол жонибида¹. Жанубий тарафидағи қасабалар: бири Андижондурким, васатта² вокиъ бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофир³, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмок расм эмас. Андижоннинг ношпотицидин яхшироқ ношпоти бўлмас...

Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш кўрғонидин сўнгра мундин улуғроқ кўрғон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида вокиъ бўлубтур. Тўққуз тарнов сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чикмас...

Ови қуши доғи кўп бўлур, қирғовули беҳад семиз бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, бир қирғовулни ошғинаси билла тўрт киши еб тугата олмайдур.

Эли туркдур. Шаҳри ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам билла росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусан-

¹ *Жониб* – томон, тараф.

² *Васат* – ўрта, марказ.

³ *Вофир* – мўл, кўп, бениҳоя, чексиз.

нафоти¹, бовужудким² Хирида³ нашъу
намо тошбтур, бу тил биладур...(34)

* * *

Рубъи маскунда⁴ Самаркандча латиф
шахр камрокдур. Бешинчи иқлим-
диндур... Шахри Самарканддур, ви-
лоятини Мовароуннахр дерлар. Хеч
егий⁵ қахр ва ғалаба била мунга даст
толмағон учун балдайн махфуза⁶ дер-
лар... Самаркандни Искандар бино
килғондур. Мўғул ва турк улуси
Семирканд дерлар. Темурбек пойтахт
килиб эди. Темурбекдин бурун Те-
мурбекдек улуғ подшоҳ Самаркандни
пойтахт килғон эмастур. Қўрғонини,
фасилнинг⁷ устидин буюрдумким, ка-
дам урдилар. Ун минг олти юз кадам
чикди...(58 – 59)

¹ *Мусаннафот* – тасниф қилинганлар, яъни асарлар, китоблар.

² *Бовужуди* – 1) шундай бўлса-да, шундай экан; 2) агарчи; 3) қисқаси.

³ *Хири* – Хирот.

⁴ *Рубъи маскун* – ер юзи.

⁵ *Егий* – душман.

⁶ *Балдайн махфуза* – муҳофазадан шаҳар.

⁷ *Фасил* – шаҳар девори, калъа.

Маъмураининг канорасида вокиъ бўлбтур... Самарқанднинг боғот ва маҳаллоти ва яна неча тумоноти бу сув (Кўҳак дарёси – Э.О.) бида маъмурдур... Узуми ва ковуни ва олмаси ва анори, балки жамиъ меваси хўб бўлур. Вале икки мева Самарқандтин машҳурдур: себи Самарқанд ва соҳибий¹ Самарқанд...

Темурбекнинг ва Улуғбек Мирзонинг имороти ва боғоти Самарқанд маҳаллотида кўнтур... (59)

Самарқанд шаҳри ажаб ороста шахредур, бу шаҳрда бир хусусияте борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлмай. Хар хирфагарнинг² бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут³ эмастур, тавр расмедур. Хўб нонволиклари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши қоғаз Самарқанддин чиқар...

Самарқанднинг яна бир матойи кирмизи махмалдурким, атроф ва жавонибка элтарлар.

Гирдо-гирдида яхши ўланглари⁴ бор... (60)

¹ *Соҳибий* – узум нави.

² *Хирфагар* – ҳунарманд, касиб.

³ *Махлут* – аралаш.

⁴ *Ўланг* – ўт-ўлан, гиёҳ.

Улуғ вилоятиким, Самарқанд қаринасидур¹, Бухородур. Самарқанднинг ғарби тарафи йиғирма беш йиғоч² йўлдур, Бухоронинг ҳам неча тумоноти бор. Тавр шаҳре воқия бўлубтур. Меваси кўп бўлур ва хўб бўлур, ковуни бисёр яхши бўлур, Мовароуннаҳрда Бухоро ковунича кўб ва хўб ковун бўлмас. Агарчи Фарғона вилоятининг Ахсининг бир навъ ковуниким, «миртемурий» дерлар, муниинг ковунидин чучукрок ва нозукрок бўлур, вале Бухорода ҳар жинс ковунидин кўб бўлур ва яхши бўлур. Яна «олуийн бухорий» машҳурдур. Бухоро олусидек ҳеч ерда бўлмас, терисини сўюб, қурутуб табарруклуклар била вилояттин вилоятқа элтарлар. Талиин учун бисёр яхши тадовидур³, парвори⁴ товуғи ва кози бисёр бўлур. Мовароуннаҳрда Бухоро чоғирларининг тундрок чоғир бўлмас. Мен Самарқандга аввал ичганда Бухоро чоғирларининг ичар эрдим...(61)

¹ Қарина — яқин.

² Йиғоч — масофа ўлчови.

³ Тадовий — даво қилиш, муолажа, табобат.

⁴ Парвори — боқилган, семиз.

Яна Кеш вилоятидур, Самарканднинг жанубидадур, тўккуз йиғоч йўлдур. Самарканд била Кеш орасида бир тоғ тушубтур, Итмак добони дерлар, сангтарошлик қилур тошларни тамом бу тоғдин элтарлар. Бахорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун шаҳр ва пойтахт қилуриға кўп саъй ва эҳтимомлар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди. Ўзига девон ўлтурур учун бир улуг пешток ва яна унг ёнида ва сўл ёнида тавочи¹ беклари била девон беклари ўлтуруб девон сўрар учун икки кичикрак пешток қилибтур. Яна саврун эли ўлтурур учун бу девонхонанинг хар зильида² кичик-кичик тоқчалар қилибтур, мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Кисро токидин бу бийикрактур³. Яна Кешта мадраса ва

¹ *Тавочи* — подшоҳ буйруқларини тегишли жойларга стказувчи амалдор.

² *Зиль* — жой.

³ *Бийикрак* — кагтарок, улугрок.

мақбара қилибтур. Жаҳонгир Мирзо ва яна баъзи авлодининг мақобири¹ андадур. Чун Кешининг қобилияти шаҳр бўлмоққа Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни-
ўқ ихтиёр қилди... (61)

* * *

Яна Қарши вилоятидурким, Насаф ва Нахшаб ҳам дерлар, Қарши мўғулча оттур, гўрхонани² мўғул тили билла «қарши» дерлар. Ғолибо, бу от Чингизхон тасаллутидин³ сўнг бўлғондур. Камоброқ⁴ ердур, баҳори хўб бўлур, экини ва қовуни яхши бўлур. Самарқандтин жануб саридур, бир нима ғарбқа мойил, ўн секкиз йиғоч йўлдур. Бағриқаро йўсулук қушқина бўлурким, қилқуёрук дерлар, Қарши вилоятида беҳад ва бениҳоят бўлур учун ул навоҳида⁵ мурғаки⁶ Қарши дерлар... (61)

¹ *Мақобир* — қабрлар.

² *Гўрхона* — мақбара.

³ *Тасаллут* — ҳокимият, ҳукмронлик.

⁴ *Камоброқ* — сувсизроқ.

⁵ *Навоҳи* — атроф, теварак, чегара.

⁶ *Мурғак* — қушча.

Яна Қорақул вилоятидур. Борчадин поёноброқдур¹. Бухородин етти йиғоч ғарби-шимолдур. Яхши тумоноти бор. Ул жумладан, Сўғд тумани ва Сўғдға найваста туманлардур. Боши Ёряйлоқ, оёғи Бухоро, бир йиғоч йул йўқтурким, кент ва маъмура бўлмоғой. Андок машхурдурким, Темурбек дегандурким: менинг бир боғим борким, тули² ўтгуз йиғочтур. Бу тумонотни дегандур... (61)

¹ Поёноброқ – сувнинг қуйироғида.

² Тул – узунлик.



БОБУР ҲИКМАТЛАРИ

Яхшилик чун қилмадинг,
бори ёмонлик қилмағил.

* * *

Борму эркин ҳеч нима оламда
хижрондин ёмон,
Ҳар неким ондин ёмонроқ йўқ,
будур ондин ёмон.

* * *

Ғурбат бу азиз умрни кам қиладур.

* * *


То даҳрдурур¹, будур аннинг расмиким,
Ойриб кишини азизидин хор айлар.

* * *

Шахвату нафс қавий² душмандур,
Минг сенингдекни забун қилғандур.

¹ *Даҳр* — дунё, олам.

² *Қавий* — кучли, қудратли.



Кўзни юмуб-очқунча бу гулзор
топилмас.

* * *

Бу дахр ичра бистари¹ роҳат тиларни
қўй,
Ул фарш² чун бу кўхна равоқиға
арзимас.

* * *

Айшеки ўтти — ўзга ани зикр айлама,
Хар нимаики йитти — сўроқиға
арзимас.

* * *

Килмоқ умиду бийм³ ила хидмат шах
олида,
Дарбонишинг сўқунчу таёқиға арзимас.

* * *

Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма
ондин яхшилиғ!

¹ *Бистар* — тўшак.

² *Фарш* — тўшак, гилам, палос.

³ *Бийм* — хавф, хатар, қўрқинч.

* * *

Айшу тараб гулбуниға¹ сув бериб,
Гусса ниҳолини қурутмоқ керак.

* * *

Хар нимаға ҳам ема — ҳам кўнтурур,
Айш била ўзни овутмоқ керак.

* * *

Мувофик ёрлар бирла бу дамни хуш
кечур, Бобур,
На учуқим, келур дамға бўла олмас
киши зомин².

* * *

Ўзунгни шод тутқил, ҳам ема дунё
учун зинҳор —
Ки, бир дам ҳам емакка арзимас дунён
фарсуда³.

* * *

Гар иликтин келса, бир дамни
кечурманг ҳам била.

¹ *Гулбуни* — гул бутаси.

² *Зомин* — кафил.

³ *Фарсуда* — тўзғина, титилган, эскирган;
хориган, чарчаган.



* * *

... харгиз рост келмас ишк донолиф
била.

* * *

Йўлни не билгай киши то раҳнамо
кўрсатмагай.

* * *

Душманники, бу даҳр забардаст
килур,
Нахват¹ майидин бир неча кун маст
килур.
Ғам емаки, еткурса бошини кўкка,
Охир яна ер киби они паст килур.

* * *

Ётларни, керакки, ошно кам қилсанг,
Хар кимки вафо қилса, жафо кам
қилсанг.

* * *

Хар ердаки гул бўлса, тикон бўлса,
не тонг?!

¹ *Нахват* – кибр, ғурур, манманлик.

Хар кандаки май дурдидан¹ бўлса,
не тонг?!
Шеъримда агар хазл, агар жид,
кечурунг,
Яхши борида агар ёмон бўлса,
не тонг?!

* * *

Аъзою жавоҳирингни hozir қилғил,
Жон бирла кунгул хозир у нозир
қилғил.
Хар лахза бир андишаю бир фикрни
қуй,
Андишаю фикрингни борин бир
қилғил.

* * *

Душман сўзига кирма, эшит дўст
сўзин,
Эшитмаса сўзни дўст, душман не
дегай?

* * *

Отани чулки қибла дебтурлар,
Қибла янглиғ анга назар қилғил.

¹ Дурд — май қуйкаси.

Ота оғритма, эй отам, зинхор,
Ота озоридин хазар қилғил.

* * *

Бировнингниким, бировдин кўнгли
колур,
Киши юз сўз била кўнгулни олур.

* * *

Арзимас ғам емакка бу дунё,
Бил, отин хам демакка бу дунё.

Тамаъ узғил бу эски дунёдин,
Хотирингдин чиқар бу дун¹ ёдин.

Давлат учун кўнгулни зор этма!
Иззат учун ўзунгни хор этма!

Кўз очи-боққуча сафо йўқ анга,
Кўз юмуб-очқуча бако йўқ анга.

Дахрдин кимга бўлма мултамаси²,
Беш эмас орзу била хаваси.

¹ *Дун* — наст, тубан, насткаш, разил.

² *Мултамас* — илтимос қилинган, сўралган нарса.

* * *

Нафс тавсанини¹ ром қил ўзунгга,
Кодир ўл харна сўз десанг сўзунгга.

* * *

Хар сўзки эшитса, деса бўлмас,
Сўз борки, айтса — деса бўлмас.

* * *

Не ёрою не хаддедур кишига —
Ки, дахл айлагай Тенгрининг ишига.

* * *

Жаҳон чун бевафодур, нечаким
 андиша, Бобур, қил,
Ўзунгни подшохи жумлаи олам
 тасаввур қил.

* * *

Жаҳонда айшу ишратдин кунгул ором
 топқайму
Киши то кўрмагунча ёнида махваш
 дилоромин.

¹ *Тавсан* — 1) арғумок, уйноки от; 2) шўх, асов, сарқаш.

• • •

Ишкни эл не хаёл айлабдур,
Асру мушкилдурур, осон кўрунур.

• • •

Хар нечуктур, умрни, Бобур, хуш
 ўткармак керак —
Ким, бу беш кун умр ғамгин бўлгали
 килмас гари¹.

• • •

Умрунгни бу кун хуш кечир ахбоб
 илаким,
Топилмағусидур ушбу кун тонгла,
 ахий.

• • •

Дахрға не вафодуру не раҳм,
Дахр кўп бевафодуру бераҳм.
Йўқтурур меҳри ҳеч кишига анинг,
Эътимод этма ҳеч ишига анинг.

¹ Гари — арзирли, лойик, муносиб.

* * *

Умр гафлатда ўтқариб борасен,
Эй йигит, воқиф ўл, қариб борасен.

* * *

Хуш ул бурунки замонларки, ўттию
борди,
Хуш ул кишики, замонларни яхши
ўтқорди.

* * *

Ҳар кимки кўн айтур, паришон айтур.

* * *

Ёмонлик қилганингдан кейин жазо-
дан эмин бўлма, чунки киши феъл-
атворининг ажри аниқ.

* * *

Чун салтанат дағдағаси ва мулкгир-
лик доияси¹ бор, бир қатла, икки қатла
иш юрумаган била боқиб ўлтуруб
бўлмас.

¹ Доия – орзу, истак, хоҳиш.

* * *

Хеч нима Тенгрининг хостидин¹
ўзга бўлмас.

* * *

Мулкгирликда ва мамлакатдорликта
агарчи баъзи ишлар зоҳирда маъқул ва
муважжах² кўрунур, вале ҳар ишнинг
зимнида юз минг мулоҳаза вожиб ва
лозимдур.

* * *

Ишлар вақтида бажарилиши керак,
вақтида бажарилмаган иш суст бўлади,
суст.

* * *

Бурунғилар дебетурларким, кўрғон
беркитмакликка бош керак, икки қўл
керак, икки бут керак: бош сардор
бўлғай. Икки қўл икки тарафтин кел-
лур кумак ва мадад бўлғай. Икки бут
кўрғоннинг суйи билла захираси бўлғай.

¹ *Хост* — хошиш, истак; талаб.

² *Муважжаҳ* — маъқул, екимли.

* * *

Ишрат усраттин¹ сўнг, фароғат
машаккаттин кейин лаззатлироқ ва
яхшироқ кўринур.

* * *

Иш қонуға² келган маҳалда жидд
ва эҳтимомни³ тақсир⁴ қилмамоқ керак.
Сўнгра пушаймонлик бефойдадур.

* * *

Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима
бўлмас эмиш.

* * *

Агар юз йил ва агар биргина кун
яшасанг ҳам, кўнгил очувчи бу қаср-
дан кетиш керак бўлур.

¹ *Усрат* — қийинчилик, машаккат

² *Қону* — ошқ, дарвоза.

³ *Эҳтимом* — аҳамият бериш, диққат қилиш.

⁴ *Тақсир* — ишни камчилик билан адо этиш,
хаёо, нуқсон

* * *

Хар кимдин яхши коида қолғон бўлса, анинг била амал қилмоқ керак.

* * *

Агар ота ёмон иш қилғон бўлса, яхши иш била бадал қилмоқ керак.

* * *

Неким азалда Тенгри тақдир қилибтур, андин ўзга бўлмас.

* * *

Салтанат ва жаҳонгирлик беасбоб¹ ва олот² даст бермас³. Подшоҳлик ва амирлик бенавқар ва вилоят мумкин эрмас.

* * *

Хар кимки хаёт мажлисиға кирибтур, оқибат ажал паймонасидин ичгусидур ва ҳар кишиким тириклик манзилиға келибтур, охир дунё ғамхонасидан кечгусидур.

¹ *Асбоб* — воситалар, керакли нарсалар.

² *Олот* — асбоблар, қурол-яроғлар.

³ *Даст бермас* — муяссар бўлмас.

* * *

Ёмон от била тирилгандин, яхши
от била ўлган яхшироқ.

* * *

Гаронжонлик¹ била коҳиллик под-
шоҳлик била рост келмас.

* * *

Улуқлар кўтаримлик керак.

* * *

Подшоҳлик била ёлғузлик рост
келмас.

* * *

Инсон табиати ўзининг яратилиши
бўйича нафе лаззатларига мойилдир.

* * *

Башар нафси ёмонликка майл этиш-
дан узок эмас.

* * *

Ўрнига қараб, гулга — гул, тикан-
га — тикан бўл.

¹ *Гаронжонлик* — вазминлик, обирлик, босиқлик.



БОБУР ТАЪРИФИДА

Бобур — дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, хаётдан хузур қилишни яхши кўрарди.

Бобур шу пайтгача ўтган маданиятли ва жозибадор инсонлар орасида энг етуқларидан бири эди. У мазҳабпарастлик каби чекланишдан ва мутаассибликдан йирок эди...

Жавоҳарлаъл Неру

Ва маҳолдурким, ул подшоҳи қобилнинг яхшилиқларини айтган билан ва битиган билан тугангай. Лекин мужаммал буқим, секкиз сифати асил анинг зотиға мутғасил эди: бириси буқим, нажҳати баланд эди; иккимчи-

си, химмати аржуманд эди; учимчиси, вилоят олмоғ; тўртумчиси, вилоят сахламоғ; бешумчиси, маъмурлуғ; олтимчиси, рафоҳият нияти Тенгри тало бандаларига; еттимчиси, черикни кўнгли(ни) кўлға олмоқ; секкизимчиси, адолат килмоқ.

«Бобурнома»нинг номаълум котиби

Яхшилик ва мурувват Бобур подшоҳга хос сифатлар эди.

Мирзо Муҳаммад Хайдар

Буюк бобосининг тахтини даъво қилаётган Бобур Мирзо ўша вақтда ёш йигит бўлиб, шахзодаларнинг энг ақллиларидан эди. Уни ҳақли равишда Шарқу Фарбнинг энг шарафли шахзодаларидан бири деса арзийди. Ўша замон шарқшуносларининг хотираларида у Шарқ қайсари (Цезарь) деб зикр этилади.

Херман Вамбери

Бобур Шарқ тарихидаги энг мафтунок шахс эди... Унинг жангларидан ҳам маиший ҳаётдаги каби шоирлик нафаси уфуриб туради.

Ўша даврга хос воқеликни тасдиқлайдиган бирор-бир ҳужжат бўлмаса, бу масалада «Бобурнома»га мурожаат қилиш керак.

С. Лейн Поул

«Бобурнома» бутун тарихда яратилган ёзма ёдгорликларнинг энг бебаҳосидир.

Анетта Бевериж хоним

«Бобурнома» Осийнинг ҳаққоний тарихини акс эттирувчи китоб.

М. Элфингстоун

У ҳамма нарсага жасорат ва ҳалоллик ила эришди. Буюк мағлубиятлари устига буюк ғалабалар иморатини қура олди. Ёшликда кўрган омадсизликлари ўрнига кейинчалик улуғ омадлар унга ёр бўлди. Ниҳоят, у Ҳиндистон тари-

хида илгари ҳеч кўрилмаган буюк салтанатга асос солди. Бобурнинг буюклиги ана шу мезонлар ила ўлчанади.

Муни Лаъл

Бобур подшоҳнинг фазилатлари бисёр ва камолотлари бешумордир. Аруз бўйича ёзган рисоласи бир денгиздурким, ичи тўла жавохиру дурдона, фикҳ масалаларини дағи бир рисолада мубайян қилганким, ёзғувчиси донишмандлигидан бир нишона: — туркий ва форсийда яхши шеърлари бор.

Ҳасанхожа Нисорий

Бизнинг шоирларимиздан ўзини Хайёмға ўхшатишга тиришганлар кўб. Навоийнинг, Лутфийнинг, Умархоннинг, Фазлийнинг ва бошқаларнинг хайёмона рубоийлари йўқ эмас, бор. Лекин, буларнинг ҳеч бири рубоийда Хайёмға яқинлаша олмаган. Менинг фикримча, бизнинг классик шоирлар орасида Хайёмға яқинлашишга, ўзини Хайёмға ўхшатишга муваффақ бўлган

бирдан бир шоир машхур Бобур
Мирзодир.

Абдурауф Фитрат

Ҳозирги Хиндистонни ўрганмоқчи
бўлган киши ишни, энг аввало, Бобур-
нинг хотираларини мутолаа қилишдан
бошлагани маъқул.

Ф. Талбот

Бобурнинг манглайига юксак фази-
латли инсон деб битиб қўйилган.

Эдуард Холден

«Бобурнома» Осиеда ягона, чинакам
тарихий тасвир намунасидир. Бобур
ҳарбий одамнинг ташки қўриниши,
кийимини, таъби ва одатларини ифо-
да қилади, мамлакатларни, уларнинг
иклими, табиати, хўжалиги, санъат
ва хунармандчилик намуналарини
тасвирлаб беради. Лекин муаллифнинг
ёркин характери асарга энг кўп жозиба
бағишлайди.

Эльфинстон

Бобур лирикасининг биринчи навбатда кўзга ташланиб турадиган хусусияти унинг бадий соддалигидир. Бобур ўз карашлари, фикр ва туйғуларини фавқулодда содда ифодалайди. У яратган лирик образларнинг содда, самимий ва табиийлиги кишини хайрон қолдиради. Бу ҳатто унинг шеърлари мусикасига таъсир этган ва аруз вазнини силликлаштириб юборгандир. Бобур шеърлари шу қадар равонокки, уларни ўқиган киши асарнинг мазмунини чақишини ҳам, ёки ёлғиз мусикасидан завқланиб кўя қолишини ҳам билмай қолади. Унинг руҳий кечинмалари, кайфияти истар-истамас ўқувчига кўчади. Унинг шеърларида фикр, хаёл, хис ва мусикийлик узвий равишда бир-бирига кўшилиб кетган.

Бобур мураккаб тасвирлар, чигал ўхшатишлар, қийин истиоралар, кетма-кет қаторлашган сифатлашлардан воз кечади. Унинг учун ифоданинг равшанлиги, тасвирнинг соддалиги ҳамма нарсадан юқори туради.

Ҳомил Ёқубов



АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Бобур девони. Кобул нашрига такмила (қўшимча). Нашрга тайёрловчи Ш. Ёркин. — Тошкент: «Шарқ», 2004.

Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. — Тошкент: «Халқ мероси», 2002.

Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур (Адабий ўйлар). 2-нашри. — Тошкент: «Маънавият», 2008.

Годен Р. Гулбадан. (Х. Сўфиева таржимаси). — Тошкент: «Шарқ», 2007.


Гулбаданбегим. Ҳумоюннома. (С. Азимжонова таржимаси). — Тошкент: «Маънавият», 1998.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. — Тошкент: «Шарқ», 2002.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Сочининг савдоси тушти. (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов). — Тошкент: «Шарқ», 2007.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Санга кўнглумни олдурдум. (Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов). — Тошкент: «Ўзбекистон», 2011.

Иброҳимов А. «Бобурнома» — буюк асар. — Тошкент: Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.



Маглаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент: «Ўқитувчи», 1976.

Муҳаммаджонов А., Абдуғафуров А. Бобур // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. — Тошкент, 2001, 83—88-бетлар.

Муҳаммад Хайдар Мирзо. Тарихи Рашидий (В. Раҳмонов ва Я. Эгамова таржимаси). — Тошкент: «Шарк», 2010.

Нуриддинов М. Бобурийлар сулоласи. — Тошкент: «Фан», 1994.

Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон кезади. — Тошкент: Ф. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.

Очилов Э. Бобур (рисола). — Тошкент: «Abu matbuot-konsalt», 2011.

Султон Х. Бобурийнома. (Маърифий роман). — Тошкент: «Шарк», 1997.

Файзиев Т. Захириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари. — Тошкент: «Ўзувчи», 1996.

Холмуҳинов Ж. Бобур ва Эрон (ёхуд Бобурнинг форс тили ва адабиётига бўлган мухаббати хусусида) // «Сино» журнали, 7-сон (2002, Куз), 50—53-бетлар.

Шарма Л. Бобурийлар салтанати. (Ф. Сотимов таржимаси). — Тошкент: «Маънавият», 1998.

Эрскин У. Бобур Хиндистонда. (Ф. Сотимов таржимаси). — Тошкент: «Чулпон», 1995.

Хасанхожа Нисорий. Музақкири ахбоб. (И. Бекжон таржимаси). — Тошкент: «Халк мероси», 1993.



МУНДАРИЖА

ХАЙРАТАНГИЗ ИСТЕЪДОД.....	4
ҚУТЛУФ ШАЖАРА.....	5
ЎН ИККИ ЁШЛИ ПОДШОХ.....	6
СУРОНЛИ ЙИЛЛАР.....	8
АРМОНГА АЙЛАНГАН	
САМАРҚАНД.....	10
БИРИ ПОДШОХ,	
БИРИ ВАЛИЙ ЭДИЛАР.....	19
КОБУЛ АЗИМАТИ.....	29
ХИНДИСТОН ОРЗУСИ.....	33
АДАБИЙ МЕРОСИ.....	36
БОБУР ВА НАВОИЙ.....	42
БОБУР ШЕЪРЛАРИНИНГ	
МАВЗУ КЎЛАМИ.....	48

БЕТАКРОР ШАХСИЯТ.....	51
ТАСАВВУФИЙ ОҲАНГЛАР.....	57
«БОШИНГИИ ОЛИБ, ЭЙ БОБУР...».....	63
ХАҚ ВА ХАЛҚ РИЗОСИ ЙЎЛИДА.....	67
БОБУР ТАЛҚИНИДА КОМИЛ ИНСОН.....	72
ХАЁТИЙ ҲИКМАТЛАР.....	77
ФОРСИЙ ШЕЪРЛАРИ.....	80
«МАЪЛУМОТЛАР ХАЗИНАСИ».....	87
ЖАҲОННИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН АСАР.....	91
БОБУР ОИЛАСИ.....	96
ЭРТА СЎНГАН УМР ҚУЁШИ.....	98
БОБУР ВИЛОЯТЛАР ТАЪРИФИДА.....	103
БОБУР ҲИКМАТЛАРИ.....	111
БОБУР ТАЪРИФИДА.....	125
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	131

Илмий оммабон нашр

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

(Рисола)

Мухаррир *А. Саъдуллаев*

Бадий муҳаррир *Р. Зуфаров*

Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*

Мусаххих *Г. Ализова*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Тугушева*

Наشريёт лицензияси А1 № 158, 14.08.09.

Босишга рухсат этилди 20.11.2012.

Офсет қоғози. Бичими 70×108^{1/64}.

«VirtecPeterburg» гарнитурасида

офсет усулда босилди.

Шартли босма табоғи 2,98.

Нашр табоғи 3,98. Нусхаси 1000.

Буюртма № 12-361.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уюни.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Очилов, Эргаш

О-95 Захириддин Мухаммад Бобур: рисола / Э. Очилов; масъул муҳаррир Қ. Ражабов. – Тошкент: O'zbekiston, 2012. – 136-бет.

ISBN 978-9943-01-877-8

Рисолада йирик давлат арбоби, машҳур саркарда, забардаст шоир, билимдон муаррих, нуқтадон олим Захириддин Мухаммад Бобурнинг суронли ҳаёти, серқирра фаолияти ва сермахсул ижоди ҳақида илмий-оммабон усулда ҳикоя қилинади.

Рисола кенг ўқувчилар оmmasига мўлжалланган.

УДК: 821.512.133(-092) Бобур
ББК 83.3(5Ў)